

# ADO LAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

gazeta@adolat.uz ● www.adolat.uz ● № 34-35 (895) ● 2012-yil, 24-avgust, juma

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узок йиллик фидокорона меҳнати ҳамда миллий гоёни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлгимизни англашга ва ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон

— «Олтин юлдуз» медали топширилсин:  
**Турдиев Содиқжон** — Асака тумани «Асака жилоси» фермер хўжалиги бошлиғи, Анджон вилояти  
**Камилов Халиджан Махаммадҷанович** — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори, Тошкент шаҳри  
**Шаймов Мирзахмат Исмаатович** — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамияти бош муҳандиси, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2012 йил 23 август

И.КАРИМОВ



Турдиев Содиқжон



Камилов Халиджан  
Махаммадҷанович



Шаймов Мирзахмат  
Исмаатович

Жорж КРОЛ:

### ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йил тўлди. Бу давр мобайнида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида 2002 йилда Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қабул қилинган. Ҳозирги кунда давлатларимиз ҳамкорлиги ушбу декларация қондалари ва тамойилларига мувофиқ тенг ҳуқуқлилик, конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш тамойиллари асосида изчил тараққий этмоқда.

Давоми 2-бетда ➤



Катта ўзбек трактидон Самарқанд шаҳрига кираверишда кўркам ва салобатли бинога кўзингиз тушади. Мустақиллик иншооти ҳисобланган бу корхона Германиянинг дунёга машҳур «MAN» компанияси ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда қурилган янги автомобилсозлик заводидир.

## «MAN» —

### Самарқанддан барча манзиллар сари

— «MAN» автомобиль заводининг очилиши мамлакатингиз билан давомли ҳамкорлигимизнинг яна бир исботидир, — деди Германиядаги «MAN Truck and Bus» компанияси директорлар Кенгаши аъзоси Франк Хиллер. — Бу тез суръатлар билан юксалаётган Ўзбекистон бозори ва умуман, минтақада «MAN»нинг глобал стратегиясини амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамдир. Дарвоқе, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистонда юк машиналари ишлаб чиқариш ва уларга сотувдан кейинги сервис хизмати

кўрсатиш билан боғлиқ мажмуавий ишларнинг иккинчи босқичи ҳисобланади. Лойиҳанинг биринчи босқичида дилерлик ва сервис марказларига асос солинган эди. Хусусан, сервис маркази бугун 1500 та оғир юк ташувчи ва махсус техникаларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Қарийб 15 минг метр квадрат майдонни эгаллаган янги йиғув заводи эса йилига 5 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига етказилди. Иккинчи йиғув линияси ҳам ишга туширилгач, Самарқанддан йилига 10 мингта автомо-

биль харидорларга етказиб бериладиган бўлади. — Самарқанддан бутун Ўзбекистон ва хатто хорижий мамлакатларга қатнаётган «MAN» автомобиллари ўзининг бенуқсонлиги ва мукамаллиги билан харидорлар ишончини қозонмоқда, — дейди қўшма корхона бош директорининг ўринбосари Рустам Сайдалиев. — Айниқса, Қамчиқ доvonида, мураккаб тоғ йўлларида яхшигина синовдан ўтган мазкур юк ташуш техникаларига буюртмалар кун сайин кўпайиб бормоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликдаги лойиҳанинг

учинчи босқичида «MAN»нинг контейнер ташувчи, изометрик ярим тиркамалари, ўзи юк ағдарувчи кузовлари ва бошқа мосламаларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг бутловчи металл қисмларини тайёрлаш, пайвандлаш, бўяш сингари ишларни Самарқанддаги заводнинг ўзида ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Суратда: «MAN» компаниясининг Самарқанддаги янги йиғув заводи.

Зоҳир Тўрақулов,  
«Adolat» мухбири

## Жанубда ҳам «Адолат» голиб

### Хушxabар

Республикамизнинг энг жанубий шаҳри бўлган Термиздан хушxabар олдик. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган ўринларига ўтказилган сайлов якунларига кўра «Адолат» СДП номзодлари голибликни қўлга киритишди!

Жорий йилнинг 29 июлида 13-«Дўстлик» сайлов округи бўйича Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган ўрнига ўтказилган сайлов якунларига асосан Ўзбекистон «Адолат» СДП шаҳар Кенгаши томонидан кўрсатилган номзод Зафар Назаров депутат этиб сайланди.

12-«Ишчилар» сайлов округи бўйича Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган ўрнига ўтказилган сайлов якунларига асосан эса партиядан кўрсатилган номзодлардан биронтаси ҳам сайланолмади. Шаҳар сайлов комиссияси қарорига кўра энг кўп овоз олган икки номзод: Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг шаҳар кенгаши томонидан кўрсатилган Бахтиёр Сафаров ва Ўзбекистон Либерал-демок-

ратик партиясининг шаҳар кенгаши томонидан кўрсатилган Тошмамат Абраматовлар учун 2012 йилнинг 12 август кунини такрорий овоз бериш ўтказилган бўлди.

12 август кунини ўтказилган такрорий овоз бериш натижаларига кўра Ўзбекистон «Адолат» СДП шаҳар кенгаши томонидан кўрсатилган Бахтиёр Сафаров депутат этиб сайланди!

Эндиликда Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашида «Адолат» СДПнинг саккизта вакили фаолият юритадиган бўлди. Биз ҳалол сайловда голиб чиққан вакилларимизни чин дилдан қутлаймиз. Ишончимиз комилки, янги депутатларимиз «Адолат» СДП гоёларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверадилар.

### Депутат минбари

Ҳеч шубҳасиз, одамларнинг ижтимоий-сиёсий онги, фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражаси, шунингдек, маърифат ва зиёга интилиши бекиёс ўсди, дунёқарашлари замон зойлига мос ва хос равишда ўзгарди. Ушбу сифатлар шаклланишида фуқароларнинг жамиятда ўз хоҳиш-иродаларини эмин-эркин намоён этишининг, ижтимоий-сиёсий, демократик жараёнлардаги қонуний иштирокини таъминлашга қаратилган муҳим демократик жараёнларнинг, жумладан, кўппартиявийликнинг, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига бағишланган янгидан-янги қонунлар қабул қилинишининг алоҳида ўрни бор.

## Сиёсий партиялар ролини кучайтириш — демократик ислохотлар талаби

Албатта, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданият юқори бўлмаган жойда қонунлар ижроси оқсайди, демократик жараёнларни амалга оширишда турли қийинчиликлар рўй беради, бунинг оқибатида адолатсизликлар, қонунбузарликлар, ўзибўларчиликлар, жамият ривожига салбий таъсир кўрсатадиган коррупция каби иллатлар юзага келади. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш каби масъулиятли вазифа жамият тараққиётидаги фаол сиёсий кучларга —

сиёсий партияларга ҳам тааллуқлидир.

Таъкидлаш жоизки, кучли демократик, ижтимоий йўналтирилган давлатни барпо этишни, пировардида, адолатли ва маънавий жиқслашган жамиятни шакллантиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли кун сайин ортиб бормоқда.

Давоми 3-бетда ➤

## Халқ таълими:

### имконият, изланиш, ислохот, натижа



Истиқлол йилларида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари сингари умумтаълим соҳасида ҳам кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Маълумотларга мувожаат қилдиган бўлсак, Ўзбекистон истиқлолга эришган вақтда мамлакатимизда 8 минг 333 та мактаб мавжуд эди. Улардан 3525 таси (43 фоизи) мослаштирилган биналарда фаолият юритарди. Шу жумладан, мактабларнинг 1167

таси (33 фоизи) ўтган асрнинг 40-60-йилларида ҳашар йўли билан лой ва хом гиштдан қурилганлиги боис белгиланган талабларга жавоб бермасди. Буларнинг барчаси ўқув-тарбия жараёнини тўғри ташкиллаштиришга халал бериб келди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурлари, соҳани ривожлантиришга доир Президент Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бир қатор умуммиллий дастурларнинг таълим тизимига муваффақиятли жорий этилиши натижасида мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари бутунлай янгина тус олди.

Давоми 5-бетда ➤

**Ўзбек ёшлари  
яратаётган роботлар  
иқтисодийтимиз ривожига  
муҳим ҳисса қўшади**

**Иновация**

**6**

# Партия ҳаёти

## Аҳоли саломатлиги муҳофазаси партия эътиборида

### Бошланғич ташкилотларда

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазаси қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ўз иштирокини кучайтириш, қолаверса, бу борадаги дастурий вазифаларини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари кучидан самарали фойдаланмоқда. Бунинг билан партиянинг Урганч шаҳар 1-сон болалар поликлиникасида кўйи бўғин фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Айтиш пайтда замонавий қўлайликларга эга бўлган поликлиникадаги «Адолат» аъзолари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқдалар.



— Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатларини муҳофазалашга хизмат қилаётди, — дейди бошланғич партия ташкилотлари раиси Муқаддас Аллаберганова. — Шу жумладан, тиббиёт тизимини такомиллаштириш, соҳага илгор тажриба ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ сифат жиҳатидан янги, юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи шифо масканлари, шовиллинч тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган замонавий тиббиёт тармоғи шакллантирилди. Ана шундай шарт-шароитда аҳолининг тиббий саводхонлигини, ҳуқуқий билимини ошириш олдимизда турган энг устувор вазифалардан бири бўлиб турибди. Хар ой якунида ўтказиладиган БПТ йиғилишида кўпроқ шу масала устувор ўрин эгаллайди.

Шу мақсадда ҳудуддаги маҳаллаларда кўйи бўғин ташаббуси билан бевосита шифокор-мутахассислар ҳамкорлигида «Соғлом она ва бола» ширини остида «Соғлом онадан соғлом бола», «Она ва болани соғлом бўлишнинг зарур шартлари», «Спорт — соғлиқ гарови» каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари

ташқил этиб келинмоқда. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ташқил этилаётган ана шундай тадбирлардан бири шаҳардаги «Наврўз» маҳалласида бўлиб ўтди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги олдида ташқил этилган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш, эмлаш орқали юқумли касалликларнинг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлар тармоғини ривожлантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш узлуксиз жараёнга айланганини алоҳида таъкидлашди.

— Бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий-профилактика ёрдами сифатини янада яқинлаштириш мақсадида мамлакатимизда турғи ёшидаги аёллар, ўсимирлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталикларини ўтказилмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Урганч шаҳар 1-сон болалар поликлиникаси бош шифокори Олимбой Давлетов. — Бу касалликларни эрта аниқлаш, ўз вақтида соғломлаштириш имконини бераётди. Кейинги йилларда мамлакатимизда оналар ва гўдаклар ўлими кескин камайди. Аҳоли-

нинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узайди. Юртимизда санитария-эпидемиология муҳити барқарор сақланмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори. Шу нуқтаи назардан БПТ фаоллари ва Урганч шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларнинг ўз вақтида тиббий хизматлар билан таъминланиши, болалар парваршига бўйича давлат томонидан кўрсатилаётган бепул хизматлар ижроси ўрганилди. Аниқланган камчиликларни вақтида бартараф этиш мақсадида мутасадди идораларга мурожаат этилди.

Бундан ташқари мазкур кўйи бўғин фаолиятида ижтимоий ҳимояга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини кузатиш мумкин. Хусусан, барча оммавий байрамларда ҳудуддаги ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда.

— Яқинда партия фаоллари ҳонадонимизга ташриф буюриб, яшаш шароитимиз билан танишдилар, — дейди фуқаро Сайёра Матқубова. — Рамазон ҳайити байрами муносабати билан кўрсатилган мод-

дий ёрдами эса кўнглимизни тоғдек кўтарди.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ўз дастурий йўналишида устувор вазифа сифатида белгилаб олган «Адолат» СДПнинг бу борадаги амалий ишларига бевосита гувоҳи бўлиб турибман, — дейди фуқаро Муяссар Матсайидова.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Урганч шаҳар партия кенгашидаги барча кўйи бўғинлар фаолиятини камчиликлардан холи деб бўлмайди. Масалан, Урганч шаҳар Баркамол авлод маркази ҳамда Урганч шаҳар ўт ўриш машиналар заводидаги партиянинг бошланғич ташкилотлари фаолиятида учраётган баъзи камчиликлар ана шундай ҳулоса чиқаришимизга сабаб бўлмоқда. Мазкур кўйи тузилмаларда номини таъминлаш бўлиб ўтказиладиган ишлар, уларда таъминотнинг етишмаётгани партия нуфузининг ошишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, шаҳар партия кенгаши зудлик билан мазкур камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриб чиқиш талаб этилади. Акс ҳолда бу ҳолат ҳудудда партия обрў-эътиборига соя солади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Хоразм вилояти Кенгаши  
матбуот хизмати

### Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан вилоят ташкилотларининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришга қаратилган сиёсий ўқув ташкил этилди.

## Фидойилик бор жойда — муваффақият бор

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, фаоллар иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дам-дил одимлаётган мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

— Ўзбекистоннинг истиқболдаги янги стратегик вазифалари белгилаб берилган мазкур Концепциянинг устувор йўналишларида ўз аксини топган қатор вазифалар мазмун-моҳиятини, умуман, мазкур маъруза аҳамиятини кенг оммага чуқур тушунтириш, тарғиб-ташвиқ этиш ислохотларни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси Сулув Ҳамидова. — Айтиш пайтда олдимизда турган энг долзарб вазифа эса изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган Концепция, яъни у асосида қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолига тушуништириш ва қонунлар ижросини кенг жамоатчилик назоратига олишдан иборатдир.

Таъкидландики, Концепция асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини мустақиллигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган ҳуқуқий асослар ривож топмоқда. Шубҳасиз, бу борадаги қадамлар аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришга, кучли

фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги мақсадларимизга хизмат қилади. Демак, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолига содда, халқчил тилда тушуништириш партия фаолларидан юксак билим ва масъулият талаб этади. Қолаверса, адолат-сиёсий фаолигини ошириш, олдидан тенглик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш партия фаолият дастурининг асосий йўналишларида ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда партия фаолларидан масъулият ва фидойилик талаб этилади. Зеро, фидойилик муваффақият гаровидир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, вилоят партия Кенгаши томонидан Концепция тарғиботи бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда тузилган тарғибот гуруҳи тарқибига халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатлар, туман ва шаҳар ташкилотлари раислари, уларнинг ўринбосарлари киритилган. Ана шу гуруҳ ёрдамида жойларда, хусусан, вилоят туманларидаги ташкилот ва корхоналарда, таълим, тиббиёт муассасаларида, ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларда учрашувлар, дара суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда аҳолига Концепциянинг моҳияти ва аҳамияти содда, тушунарли тилда, таъсирчан воситалар ёрдамида тушунтирилмоқда.

Вилоят партия Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар доирасида ташкил этилган мазкур сиёсий ўқишда партиянинг энг кучли ташкилотлари орқали аҳоли орасига чу-

қур кириб бориш, Концепциянинг мазмун-моҳиятини электоратнинг барча вакиллари янада кенг тушунириш кўзда тутилган. Аввало, шаҳар, туман кенгашлари раислари ҳамда фаолларининг бу борадаги сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий билимини ошириш давр тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар кенгаши раиси, Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Бекмурод Ашуров мамлакатимизда қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритди.

— Сиёсий ўқувда вилоят ҳамда туман, шаҳар кенгашларининг Концепция тарғибот-ташвиқотидаги иштироки таҳлил қилинди, — деди Шўрчи тумани кенгаши раиси Олия Ортиқова. — Бу эса ўзаро тажриба алмашиш учун қўлай шароит яратди. Мазкур сиёсий ўқиш Концепция мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб этиш ишларини янада кучайтиришга, партия фаолларининг ижтимоий-сиёсий билимини бойитишга, сиёсий тафаккурини юксалтиришга хизмат қилади, албатта.

Шу кўйи ўқув иштирокчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда интерфаол машғулотлар ташкил этиб, тарғибот ишини такомиллаштириш, маҳаллий ҳокимият ва давлат идоралари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатish, муаммоли масалаларни ижобий ҳал этиш бўйича ўзаро тажриба алмашишди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Сурхондарё вилоят Кенгаши  
матбуот хизмати

## ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА УЛКАН ҲИССА ҚўШМОҚДА

Давоми. Боши 1-бетда

Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Жорж КРОЛ билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистон Республикасида 21 йиллик қисқа давр мобайнида давлат суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва барқарорлаштириш ва изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дейди Жорж Крол. — Демократик принципларни ўзида муржабсанган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, мамлакат тараққиётининг истиқболини белгилаб берувчи ҳуқуқий асос — Конституция яратилди ва бу борада тегишли институтларни шакллантириш бўйича кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Бу ислохотлар халқнинг ҳаётида акс этган қонун-қоидаларни ижро этишга ҳануз ҳаракат қилиб келаямиз.

— Ўзбекистонда 2012 йил Президент Ислоҳ Каримов томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган. Ушбу ташаббуснинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда бу борада қабул қилинган давлат дастури ҳақидаги мулоҳазаларингизни баён этсангиз.

— Оила ҳар қандай жамиятнинг асосини ташкил қилади. Мустаҳкам ва барқарор оилалар давлатнинг ҳам мустаҳкам ва барқарор бўлишини таъминлайди. Бу масала Америка Қўшма Штатларида ҳам устувор вазифа саналади. Ўзбекистонда оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиш ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида зарур шароитлар яратилгани ва оилалар бу борада изчиллик билан қўллаб-қувватланаётгани таҳсинга сазовордир. Мен Ўзбекистон халқига ва раҳбариятига бундай истиқболли порлоқ дастурини ҳаётга татбиқ этишда муваффақият тилайман. АҚШ бу каби саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга ҳамма таяёр.

— Жорий йилда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йил тўлди. Ўзаро ҳамкорлигимизнинг бугунги аҳоли ва истиқболлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатларимиз, халқларимиз ва ҳукуматларимиз ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ҳамкорлигимиз фаол ривожланиб бормоқда. Яқинда навбатдаги икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтганини қайд этишни истардим. Бу гал АҚШ делегацияси таркибининг катталиги ва муҳокама қилинган масалаларнинг устуворлиги мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, хавфсизликка доир соҳаларда кенг кўламли муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Утган йигир-

ма йил ичида мазкур йўналишларда ҳамкорликда кўплаб ишларни амалга оширдик. Шу билан бирга, мамлакатларимиз иқтисодий, сиёсий, инсон ресурслари ҳамда хавфсизликни таъминлаш йўналишларидаги алоқаларни янада ривожлантириши учун ҳали ишга солинмаган кўп имкониятлар ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик, тенглик ва ҳурматга асосланган ҳамкорлик Марказий Осиё ва бошқа минтақаларда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ва халқлар фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик, жумладан, ушбу йўналишда амалга оширилаётган кўшма лойиҳалар ҳақида нима дея оласиз? Ўзбекистонда ташқил этилаётган махсус иқтисодий зоналар ва уларда хорижий сармоядорларнинг иш юритиши учун яратилаётган қўлайликлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида АҚШ билан Ўзбекистонда катта салоҳият мавжуд. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон — АҚШ бизнес-форумида мамлакатимизнинг элиқандорлик йирик компания ва концернлари вакиллари иштирок этгани америкалик ишбилармонларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликка бўлган катта қизиқишини намоён этди.

Ўзбекистон бой табиғий ва хомашё ресурсларга, пухта таълим олган ва етук кадрлар-

га, ривожланиб бораётган инфраструктура ва стратегик жиҳатдан қўлай жўғрофий ўринга эга. Шу пайтга қадар Американинг «Женерал Моторс» каби бир қатор йирик компаниялари Ўзбекистонга сармоя киритган. Умид қиламизки, АҚШнинг бу каби компаниялари сафи янада кенгайди. Ўзбекистон америкалик сармоядорларни кенг жалб қилиш ва АҚШ компанияларининг Ўзбекистонда ўз маҳсулотларини сотиши ва технологиялар киритиши учун зарур имкониятларни кенгайтиришга бўлган эътиборни янада кучайтиради, деб ўйлаймиз. Бу борада эркин савдо ҳудудлари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатларимиз ўртасида, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик ривожини мени қоят қувонтиради. Фарғона водийси АҚШдаги маҳаллий бозор ва экспорт учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб берувчи Калифорния марказий водийсига ўхшаб бораётганига гувоҳ бўлаяман. Америка технологиялари ва маркетинги Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланишига ёрдам беради, деб ўйлайман.

— Ўзбекистоннинг минтақадан тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганидан бундан минтақадан тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ул-

кан ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатингиз қўшни Афғонистонга катта иқтисодий ёрдам кўрсатаётгани, у ерда инфраструктура оид лойиҳаларни амалга ошираётгани таҳсинга сазовор. Хусусан, Ўзбекистон ушбу мамлакатга электр энергияси етказиб бермоқда. Хайратон — Мозори Шариф темир йўл линиясини барпо этди. Бу каби саъй-ҳаракатлар Афғонистон иқтисодиётини барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон минтақавий барқарорликка таҳдид солаётган гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашишда ҳам етакчи ўрнида туради. Мамлакатингиз биринчи бўлиб Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси билан чиқди.

Қирғизистон жанубида 2010 йилда рўй берган моjarолар сабабли Ўзбекистон мазкур мамлакатдан минглаб қочоқларни қабул қилди ва қонли воқеаларнинг янада авж олиб кетмаслиги учун катта масъулият билан оқилона иш тутди. АҚШ Ўзбекистоннинг минтақадан тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида муҳим ва етакчи ўрнини юксак қадрлайди. Америка Ўзбекистоннинг минтақадан тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида муҳим ва етакчи ўрнини юксак қадрлайди. Америка Ўзбекистоннинг минтақадан тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида муҳим ва етакчи ўрнини юксак қадрлайди. Америка Ўзбекистоннинг минтақадан тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида муҳим ва етакчи ўрнини юксак қадрлайди.

ЎЗА мухбири  
Ирода УМАРОВА  
суҳбатлади.

### Эътиром

Кексаларга ҳурмат-иззат кўрсатилган жойда барака бўлади, дейди доно халқимиз. Айтиш ўринлики, мамлакатимизда кексаларга, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, меҳнат фахрийларига чуқур ҳурмат-эътиром кўрсатиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун тўлақонли шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

## Кексалар қадрланиб, ҳурмат кўрсатилди

Тинч ва обод юртда кексаларнинг суратини ёшларнинг ёши улугларга энг улуг, энг азиз байрамимиз бўлган, «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» ширини остида ва кутиб олинаётган Мустақиллик айёмининг 21 йиллик шодиёналари арафасида моддий ҳамда маънавий мадад кўрсатилаётгани уларга янада кувват ва дармон бўлиши табиий. Бу жиҳатлар яқинда Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Республика уруш қатнашчилари ва фахрийлари пансионатида ташкил этилган байрам тадбири ҳам ана бир бор намоён бўлди.

Ватанимиз Истиқлолнинг 21 йиллиги муносабати билан ташқил этилган тадбирдан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, мазкур пансионат жамоаси иштирок этди.

Мизга шукроналар айтаемиз, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Анна Русина. — Кўрсатилаётган меҳр-оқибат, эътибор ва ғамхўрлик туфайли ўзимизни янада тетик ва бардам ҳис қилмоқдамиз. Бу кунларга етиб келгунча не-не қийинчиликларни кўрмадик, қанча машаққатларни енгиб ўтмадик, дейсиз. Бугун давлатимиз эришяётган ютуқлар, ҳаётимиздаги эзгу ўзгаришларни кўриб, беҳуда яшаманганимизни ҳис қилиб, шукроналикда умргузaronлик қилмоқдамиз.

Тадбирда партия фаоллари бу ёши улуг нурунийлардан ҳол-аҳвол сўраб, самимий суҳбат қилишди, совға-саломлар улашди. Тадбир доирасида намойиш этилган концерт дастури ва ранг-баранг бадиий чиқишлар учрашув иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият бахш этди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Тошкент шаҳар Кенгаши  
матбуот хизмати

**Депутатлик гуруҳи**

Андижон вилоятида Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги олдидан "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Таниқли санъаткор ва ижодкор зиёлилардан иборат тарғибот гуруҳлари қишлоқ ва маҳаллаларда, корхона ва муассасаларда, ўқув юртиларида бўлиб, мустақил тараққиёт йилларида халқимиз эришган ютуқлар, юртимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, фаровон ҳаёт ўз-ўзидан келмагани, бу улғунг неъматларнинг қадрига етиш ҳақида суҳбатлар ўтказмоқда.

# Масъулиятсиз депутат ишда панд беради

Ана шундай эзгу ишларда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг вилоятдаги депутатлик гуруҳи фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг доимий комиссиялари таркибиде фаолият юритаётган депутатларимиз "Мустақам оила йили" Давлат дастури доирасида вилоят миқёсида белгиланган чора-тадбирлар ижросида фаол иштирок этишмоқда.

Хўш, жорий йилда Халқ депутатлари вилоят туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлари гуруҳлари дастурий гоя ва мақсадлардан келиб чиқиб сессияларга электротар манфаатлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган қандай ташаббус ва таклифларни олиб чиқмоқда?

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг сессиясида вилоятда "2012 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"нинг бажарилишида Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг жойлардаги Бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорлиги ҳақида масала кiritилди. Бунинг самараси ўлароқ бугунги кунда депутатлар ҳамда Бандликка кўмаклашувчи марказлар ўртасида мустақам ҳамкорлик йўлга қўйилди ва ҳар ойда шаҳар ва туманларда "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ўтказиш режалаштирилди.

"Адолат" СДП депутатлик гуруҳи таклифи билан Халқ де-

путатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий масалалари доимий комиссияси ҳамда "2012 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"ни ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларини бажарилишини таъминлаш бўйича вилоят ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди ва вилоят сессиясида қўришга тавсия этилди. Йиғилишда 2012 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги масала кенг муҳокама этилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди. Қарор барча шаҳар ва туман ишчи комиссияларига ижро учун юборилди.

"Адолат" СДП Балиқчи туман кенгаши депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Халқ депутатлари Балиқчи туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси "Мустақам оила йили"да туманда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш босқисиде Қишлоқ врачлик пунктларида амалга оширилган ишларнинг тахлиллий назоратини ўтказиш мақсадида ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди ва ушбу масала туман сессиясида қўришга тавсия этилди.

Айни вақтда туманда 46722 нафар туғиш ёшидаги аёллар ҳисобга олинган ҳолда аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш мақсадида махсус гуруҳ тузилди ва гуруҳ аъзолари иш режа асосида фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурида, аввало, бошқарув-

да ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш гояси илгари сурилган. Шу муносабат билан партия депутатлик гуруҳи ушбу принципларни таъминлашга қаратилган муайян давлат дастурларини, жумладан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмасувини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига оид қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштироки этишига амалий ёрдам бериб келмоқда.

Депутатлик гуруҳи томонидан амалга оширилаётган бу каби ишлар партия мақсад ва вазифалари ва унинг сайловолди дастури ижросини таъминлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардир. Бироқ, бу мисоллар билан худуддаги маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти нуқсонсиз, деб айтишдан йироқмиз. Баъзи депутатларда масъулият, журъат ва қатъият етишмаётган бўлса, айримлари яратилган имконият ва ваколатлардан самарали фойдалана олмапти, уларда фаоллик етишмаяпти. Бунда жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасида доимий алоқа ўрнатилимаганиги сабаб бўлмоқда. Ана шундай муаммо ва камчиликларни бартараф этиш вилоят партия Кенгашининг диққат марказидаги масала бўлиб турибди.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти Кенгаши депутати

# Сиёсий партиялар ролини кучайтириш — демократик ислохотлар талаби

Давоми. Боши 1-бетда

Жумладан, кейинги йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг сезиларли даражада ҳам нуфузи, ҳам таърибаси орди. Партияимиз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлди. "Адолат"чиларнинг мамлакатимизнинг нафақат сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарорлашувидаги, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги, демократик жараёнларни такомиллаштиришдаги иштироки тобора ортиб бормоқда.

Партия айниқса хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер йўналишидаги муаммоларни ҳал этиш масаласида бошқа сиёсий партияларга қараганда анча салоҳиятли ишларни амалга ошириб келмоқда. Зеро, Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш, истиқбол ва оқилолтигини таъминлаш, амалга оширилаётган ислохотларимиз тақдирини дахлдор бошқа барча вазифалар, энг аввало, соғлом фикрли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, миллат ишончини оқлайдиган ўки бу касбни пухта эгаллаган юқори малакали ёшлар билан боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу сифат ва фазилатларни фақат замонавий фикрлайдиган, замонавий ҳаёт билан ҳамқадм ва ҳамнафас бўлган оналаргина ўз фарзандларида шакллантиришга қодирдирлар. Ахир, ҳаётнинг мазмуни жамиятда жуда катта салоҳиятга эга бўлган аёллар билангина тўқис эканлиги сир эмас. Бугунги долзарб вазиятда салоҳиятли, ижтимоий-сиёсий фаол аёллар жамият тараққиётининг етакчи кучларидан бири эканлиги айни ҳақиқатдир. Бундай аёлларнинг эзгу-истакларини рўёбга чиқариш, улардаги салоҳиятини замон замига мос равишда янада ошириб босиш каби янгидан-янги вазифалар эса сиёсий партия салоҳиятининг юксак бўлишини тақозо этади.

Этироф этиш керак, аҳолисининг 51 фоиздан кўпрогини аёллар ташкил этаётган мамлакатимизда хотин-қизлар жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасида ўз ўрнига эга бўлиб бораёпти. Лекин бу фаолиятни ҳали етарли, деб бўлмади. Аёлларни сиёсий жараёнларга янада кенгроқ жалб этиш, уларнинг билими, сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аёлларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан фаол яшаш кўникмаларини яратиш, аёллар манфаатларини ўзида намоеён эта оладиган фуқаролик институтларини кўпайтириш ва кўллаб-қувватлаш, партия таркибидеги "Аёллар



қаноти" фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратиш бугунги куннинг бирламчи талабларидандир.

Шунинг учун ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари мамлакатимизда аёллар масаласи билан боғлиқ ҳар қандай ташаббусларни кўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу эса ана шу жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда ўз самарасини бераёпти.

Бугун қабул қилинаётган ҳар қандай қонун оналик ва болаларни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мавқени ошириш, оилаларни мўрдий ва маънавий кўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий бўлини бўлган оилани мустақамлаш, соғлом оила ва никоҳнинг барқарор бўлиши, фарзанд тарбиясида ота-онанинг, шунингдек, фарзандларнинг ота-она олдидеги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида мустақамлаб кўйилган.

"Адолат" СДП ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти қуриш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришдаги иштироки билан ўзидаги салоҳиятини намоеён этиб, партияимиз сафи унчалик катта бўлма-са-да, ўзининг ҳақиқатдан ҳам демократик ўзгаришларни амалга оширишда етакчи куч эканлигини намоеён қилмоқда. Буларнинг барчаси партияимизнинг парламентарий ва юқори палатасида фаолият олиб бораётган вакилларининг давлатимиз қонунчилигининг такомиллаштирилишидаги, қонун ижодкорлигидаги ва амалдаги қонунлар ижросига оид назорат-тахлил фаолият-

тидаги иштирокида, шунингдек, жойлардаги Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятининг фаоллашувида ўз ифодасини топтомоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда халқнинг талаб ва эҳтиёжлари тўла қондирилаяптими, жамиятимизда учраб турадиган айрим камчилик ва муаммоларни ҳал этишга, адолатсизликларни бартараф этишга партиянинг дахлдорлиги сезилаяптими, бу борада партияимиз нимага эътибор қаратмоқда ва қаратиши керак, партия салоҳияти етарлими, аҳоли, электротар партиянинг сайловолди дастуридаги вазифаларнинг ижросидан роятини, партияимиз тарафдорлари сонини оширишга, мавқени юксалтиришга қандай қилиб эриша оламиз, деган қатор саволларга партиянинг турли бўғинида фаолият юритаётган ҳар бир етакчининг холисона, адолатли жавоб бера олиши ва ўзи шахсий ўрн кўрсатиши керак, албатта.

Фақат шундай йўл билан биз олдимизга қўйган мақсад ва вазифалар ечимини оқилона ҳал эта оламиз, кўп сонли электротарти орқамиздан эрмоқлаштириб, уларнинг ишончига эриша оламиз, деб ҳисоблайман. Бугунги кунда одамларга нафимиз тегсагина, қабул қилинаётган қонунларда аҳолининг аниқ талаб ва эҳтиёжларини, жамиятда пишиб етилган ва тартибга солиниши лозим бўлган долзарб муаммоларни, муносабатларни партияимиз фракцияси инобатига олган ҳолда ўз таъсирини ўткази оламиз, одамлар куйиб-пишаётганимизни тан олсагина ўз-ўзидан партия ролини, нуфузининг ортиб бораётганлиги сезила бошлайди, унинг сафиде аъзолар сони ҳам, хариҳоқлари ҳам жадал кўпая боради. Бунинг устига, агар партиянинг бошланғич ташкилотлари ўз ҳудудларидаги аниқ муаммо ва эришилган ютуқларни чуқур тах-

лил қилган ҳолда аҳолининг қалбига йўл топсалар, муайян эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳаётдаги адолатсизликлар, қонунбузарликларнинг олдини олишда ўз ҳиссаларини кўшсалар, маҳаллий ижро ҳокимияти вакиллари томонидан айрим ҳолларда йўл қўйилаётган буйруқбозлик, манманлик, қонунбузарлик, маҳаллийчилик, коррупция ва ноҳаллийчилик каби нарсалар билан бефарқ бўлмасалар, ижро ҳокимиятининг халқнинг талаб ва эҳтиёжларига бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгаришига эришсалар, аҳоли олдида ҳокимият органларининг ҳисоботини эшитишни ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйсалар — бу партия учун ҳақиқий ютуқ бўлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаолиятини кучайтиришда барча даражадаги партия ташкилотларининг худудлардаги маҳаллий давлат ташкилот ва идоралари, нодавлат ташкилотлари, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, аҳолининг турли табақалари орасида, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар орасида мунтазам равишда давлатимизнинг оқилона сиёсатини, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар кўламини ва натижаларини, истиқлолимиз ва партияимиз гояларини тарғиб қилиш, элнинг иссиқ-совуғидан, долзарб муаммоларидан хабардор бўлиш ва амалий чоралар қўриш, амалдаги қонунлар ижросига, қонунлар устуворлигига жиддий эътиборни қаратиш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояси учун курашиш ютуқларимизнинг энг асосий омилли, қолаверса партия салоҳиятини оширишнинг қафолатидир.

**Зухра БОТИРОВА,**  
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси

## Йўналишларга янги автобуслар

Куни-кеча Тошкентга «Евро-3» стандартидаги «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» автобусларининг дастлабки 25 таси етиб келди.



Янги автобуслар йўналишларга 2012 йил 25 августдан чиқиши режалаштирилган. Автобусларнинг қолган қисми "Тошхажар-

транسخизмат" уюшмаси ва Германиянинг «Ево-Бус ГмбХ» фирмаси ўртасида тузилган шартномага биноан

Тошкентта шу йилнинг октябр ойи охиригача етиб келади. Эслатиб ўтамиз, шу йил бошида мамлакатимиз Президентини

пойтахт йўловчи автотранспорт паркинни янгиллаш бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган эди. "Тошхажартранسخизмат" уюшмасига бу йил 100 та янги Mercedes-Benz автобусларини харид қилиш топширилди.

Немис автобусларини харид қилишга 18,9 миллион АҚШ доллари йўналтирилди. Лойиҳани молиялаштириш ишлари Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан амалга оширилмоқда. Қайд этиб ўтамиз, «Евро-3» стандартидаги «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» автобуслари Тошкентда 2008 йилдан буён ҳаракатланмоқда.

# Ютуқлар ҳам бор, камчиликлар ҳам...

**Ўз-ўзини танқид**

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўзининг борча худудий партия ташкилотлари орқали социал-демократия гояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари орқали худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида фаол иштирокини таъминлаш ва жойлардаги муаммоларни бартараф этишда ташаббус кўрсатиш орқали электротар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ўз аъзолари сафини кенгайтириш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Бу борада партиянинг Қашқадар вилояти Кенгаши фаолиятини назар ташлайдиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида вилоятда

Ўзбекистон "Адолат" СДП сафи 500 дан зиёд фаол аъзолар ҳисобига кенгайиб, салкам 7 минг нафарга етди. Шунингдек, ушбу давр мобайнида

партия фаолларининг саъй-ҳаракати билан 20 та янги бошланғич партия ташкилоти тузилди, улар сони 218 тага етди. Албатта, бунда вилоятдаги қатор туман ва шаҳар партия кенгашлари фаолларининг ташаббускорлиги ва жонқурлиги, жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирларининг ҳар жиҳатдан таъсирчан ва самарали бўлаётгани, хайрли ва амалий ишлар саломининг ошганлиги ҳал қилувчи ўрин тутмоқда.

Аммо вилоят партия Кенгашидаги барча худудий партия ташкилотлари фаолиятини бирдек баҳолаб бўлмайди. Яъни, ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Айниқса, партиявий-ташкилий ишларда муайян ютуқларни қўлга киритаётган ва аксинча, камчиликлардан бош кўтара олмаётган ту-

ман кенгашлари фаолиятини қиёсий таҳлил этадиган бўлсак, бу борадаги фарқ яққол намоеён бўлади.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида худудий ва бошланғич партия ташкилотлари фаоллари учун сиёсий ўқувлар ташкил этиш масаласида Қарши шаҳар кенгаши, Муборак, Ғузор, Шаҳришароб туман кенгашлари етакчилик қилаётган бўлса, Миришкор, Китоб, Дехқонобод, Косон туман кенгашлари эса аксинча, бу борада сусткашликка йўл қўйган. Бу каби камчиликларга мазкур туман партия ташкилотлари раҳбарлари ва фаолларининг масъулиятсизлиги, жойларда партия гоялари тарғиботига қаратилган тадбирларнинг номини, расмиятчилик учун ўтказилаётганлиги сабаб бўл-

моқда. Ушбу камчиликлар эса ўз-ўзидан бошқа муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Афсуски, орамизда масъулиятсиз, ўз ишига лоқайд партия ташкилотлари раҳбарлари ҳам борки, бу партиянинг мақсад ва вазифаларини обрўсизлантириб, минг-минглаб маслақдошларимизнинг мисқоқлаб йиққан обрў-эътиборига соя солаверади. Қатъият, умумманфаат йўлидаги уришлар, партия танлаган йўлни, вазифани ҳимоя қилиш эса унинг имкониятларига имконият қўшади.

Бироқ партиянинг Миришкор, Китоб, Дехқонобод, Косон туманлари кенгашлари сиёсий партияларга қонун йўли билан берилган имкониятлардан фойдалана олмаётдилар. Натижада мазкур туманларда худудларни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган дастурларнинг бажарилишида партия кенгашлари, улар таркибидеги бошланғич ташкилотлар ва депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги сезилмаяпти. Ушбу партия ташкилотларида депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришларини таъминлаш механизми ҳам деярли ишламайди.

Бу каби камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун, энг аввало, жойлардаги кадрларнинг сиёсий салоҳияти, ташаббускорлигини ошириш, захира кадрларни танаб олш ва жой-жойига қўйиш масаласи кун тартибига чиққан. Шу бонис, бугунги кунда вилоят

партия Кенгаши томонидан камчиликлар таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилмоқда. Партия сафига илгор фикрлайдиган, сиёсий етуқ ёш мутахассисларни жалб этиш, сиёсий ўқувлар орқали раҳбар кадрлар савиясини оширишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бунда, энг аввало, барча шаҳар ва туман кенгашларимизда, бошланғич ташкилотларимиз билан алоқаларни мустақамлаш, жойлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига керакли вазифаларни қўйиш ҳамда улар ижросини таъминлашга эришиш олдининидаги долзарб масала сифатида белгилаб олинган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадар вилояти Кенгаши матбуот хизмати

# Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишда имтиёз ва қулайликлар

**Концепция: устувор вазифалар**

Тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиёти мустақамлашга замин яратувчи ва уни ривожлантирувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакат ички маҳсулотига тадбиркорлар улушининг 54 фоизга етгани эса тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим масалалардан бири бўлиб қолаётганининг яна бир исботидир.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бу соҳага алоҳида тўхталиб ўтилди: «Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала — мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда».

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга лицензия ва бошқа рухсатномалар бериш, қурилиш учун ер майдонлари ажратиш, коммуникация тармоқларига улашиш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш ва уларнинг жавобгарлигини белгиловчи нормаларни янада соддалаштиришга, тадбиркорлик субъектларига турли имтиёзлар кўллаб қўлиниб, амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиби-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг фаолиятини янада осонлаштириш ва ҳар қандай бюрократик тўсиқларга чек қўйишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат бўлди.

Ушбу Фармон билан бозор

иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларига мувофиқ бюрократик говларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиби-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизими ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъекти фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсад қилиб қўйилди.

Эндиликда тадбиркорлик субъектларининг лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиби-таомиллари тубдан қисқартирилди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликни бартараф этган ҳолда аризалар такроран тақдим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шакллари жорий этилишини таъминлаш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратураси олдида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисоботларни тақдим этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиби-таомилларини амалга ошириш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг сўзсиз рўйи этишлари устидан мунтазам назорат ўрнатиш ва тегишли таъсир чоралари кўриб бориш вазифалари юклатилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорликни янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этди.

Мазкур Фармонда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик говларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиби-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва бошқона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш каби қатор муҳим масалалар муҳим вазифалар қилиб белгиланди.

Ўйлаيمизки, мазкур соҳада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар келажақда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини амалга оширишда уларга яратилаётган имтиёз ва қулайликларнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Зеро, мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар бозор иқтисодиётининг асоси бўлган тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги устувор йўналишлардан бири бўлиб қолаверди. Шубҳасиз, соҳадаги ҳуқуқий механизмлар ижроси ўз дастури орқали давлатимиз томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлашни билдирган, жамиятда ижтимоий адолат, қонун устуворлиги тарафдори бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари ва хайрихоҳларига катта масъулият юклайди. Демак, нафақат ҳуқуқ тартибот органлари, балки сиёсий партияларнинг барча даражадаги бўғинлари вакилларининг жамоатчилик назорати тадбиркорларга яратиб берилаётган ҳуқуқий имкониятлар механизми самарадорлигини таъминлайди.

**Э. ХОЛИМАХМАТОВ,**  
Адлия вазирлиги Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси катта маслаҳатчиси

2012 йилнинг олти ойида бажарилган ишлар якунлари бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари 12339 авиақатновни амалга оширди. Бу 2011 йилнинг олти ойига нисбатан 419 тага кўп.



**1,24**  
МИЛЛИОН ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИЛДИ



Шунингдек, 1 миллион 244 нафар йўловчи авиакомпания хизматларидан фойдаланди. Бу ҳам ўтган йилнинг шу даврига қараганда 17,1 фоиз кўп бўлиб, жами 20 минг тонна юк ташилган, 755 тонна почта жўнатилган ва ўсиш 20,5 фоизни ташкил қилган.

«Навоий» халқаро аэропорти базасидаги йирик Интернет марказ янада ривожланмоқда. Бугун кўнига 300 тоннагача юкни қабул қилиш қувватига эга юк терминали ишлаб турибди. Соатига 400 нафар йўловчини ўтказиш имконига эга, халқаро стандартларга жавоб берадиган, барча қулайликлар яратилган янги йўловчи аэровокзали фойдаланишга топширилди.

Миллий авиакомпаниянинг машғулот комплексига янги Boeing-767 тренажери ўрнатилган бўлиб, унда учувчилар стандарт ва ностандарт вази-

ятларда ҳаракат қилиш кўникмаларини такомиллаштиришда. Яқин вақт ичида компания учувчилари нафақат замонавий А320 ва Boeing тренажёрлари, балки ўзимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 самолёти симулятори — «Full-flight» да реал шароитларга яқинлаштирилган ҳолатларда парвоз қилишни ўрганиши мумкин. Жорий йилда янги Boeing-767 лайнерлари сони тўрттага кўпайди, 2014-2016-йилларда эса миллий авиакомпаниямиз яна иккита Boeing-787 Dreamliner самолётларини олади.

Авиакомпания самолётлари Европа, Осиё, Американинг қирқдан зиёд шаҳарларига парвоз қилмоқда. Юртдошларимиз ва кўллаб меҳмонлар дунёнинг энг олис қишлоқлари ҳам тўғридан-тўғри учини мумкин. Рейслар географияси мунтазам кенгайиб бормоқда.



## Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ФОЛИБЛАРИ

### 1. ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРНИНГ БАДИЙ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА

**1-ўрин:**  
**Нўмон Раҳимжонов,**  
Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудирини — «Истиқлол ва бугунги адабиёт» номли адабий-танқидий мақолалар тўплами учун

**2-ўрин:**  
**Зикрилла Незмат,**  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бирлашган таҳририяти бош муҳаррири — «Ватан ҳақида қўшиқ» китоби учун

**3-ўрин:**  
**Ғофур Шермуҳаммад (Эшмуродов),**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси — «Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мавзуларидаги «Саман той» қисса ва ҳикоялар тўплами учун

### РАФБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ

**1. Ҳалима Аҳмедова,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси — Замондошларимизнинг дил кечинмалари, аёл қалбининг ноки манзаралари акс этган «Ниҳоқ қибласи» шеърини тўплами учун

**2. Носир Муҳаммад,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси — Озод ва обод Ватан, истиқлол, ёшлик ва муҳаббат ҳақидаги шеърлар ва маърифий лавҳалардан тартиб берилган «Сайланма» китоби учун

### 2. БОСМА ОАВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА

**1-ўрин:**  
**Махмуд Абдулфайзов,**  
«Сурхон тонги» газетаси бўлим мудирини (Сурхондарё вилояти) — Мустақиллик йилларида халқимиз ҳаёти, онгу тафаккурида юз берган туб ўзгаришлар ҳақидаги «Юрак уламайди» номли публицистик мақолалар туркуми учун

### 2-ўрин:

**Нурилом Тўхлиев,**  
Иқтисод фанлари доктори — Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида чуқур таҳлил этилган «Тараққийнинг ўзбек модели» мақолалар тўплами учун

### 3-ўрин:

**Анвар Самадов,**  
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири — Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараларига бағишланган ахборот-таҳлилий материаллари учун

### РАФБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ

**1. Елена Нам,**  
«Правда Востока» газетаси муҳбири — Мустақиллик йилларида маънан юксак, жисмонан соғлом ёшларни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган беқиёс ишлар, бугунги ёшлар эришаётган ютуқлар ҳақидаги туркум мақолалари учун

**2. Бахринос Норжигитова,**  
«Гулистон ҳаёти» газетаси бош муҳаррири (Сирдарё вилояти) — Истиқлол даврида вилоят аҳолиси ҳаётида юз берган янгиланишлар ҳақидаги очерк ва лавҳалари учун

### 3. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ИЖОДҚОРЛАРИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ БЎЙИЧА

**1-ўрин:**  
**Зулфинор Каримова,**  
ЎзМТРК «Sport» телерадиоканали «Машъал» радиоси катта муҳаррири — «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» номли туркум радиоконпозициялари учун

**2-ўрин:**  
**Иномжон Машарипов,**  
Қорақалпоғистон Республикаси «Тўрткўл» телевидениеси бош муҳаррири — Мустақиллик йилларида Қора-

қалпоғистон Республикасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳамда аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар ҳақидаги кўрсатувлари учун

### 3-ўрин:

**Манзура Ҳасанова,**  
ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастури бош муҳарририяти шарҳловчиси — Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган туркум репортажлари учун

### РАФБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ

**1. Гулзоҳ Калоева,**  
ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Бадий эшитиришлар муҳарририяти бўлим мудирини — Мустақиллик йилларида тарихий аъёнларимизнинг қайта тиклангани, маданий-маърифий соҳадаги ислохотлар жараёни акс этган «Гулишан» радиожурнали учун

**2. Тошпўлат Тугалов,**  
Самарқанд вилояти телерадиоканали муҳаррири — Истиқлолнинг 21 йиллиги арафасида Самарқанд манзаралари, вилоятда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун

### 4. ТАСВИРИЙ САҢЪАТ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА

**1-ўрин:**  
**Йўлдош Эгамов,**  
«Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими раиси — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган дизайн ишлари учун

**2-ўрин:**  
**Сабур Қутлимуратов,**  
Эркин ижодкор рассом (Қорақалпоғистон Республикаси) — Оролбўйи ҳудудларидаги ҳаёт манзаралари тасвирланган асарлари учун

### 3-ўрин:

**Абдулло Аҳмедов,**  
«Маҳорат мактаби» газетаси фотомуҳбири (Наманган вилояти) — «Истиқлол — наманганликлар тақдирини» мавзусидаги фоторепортажлари учун

### РАФБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ

**1. Шамсиддин Алиқуллов,**  
Қарши маданият коллежи ўқитувчиси, рассом (Қашқадарё вилояти) — Бугунги қишлоқлардаги янгиланишлар акс эттирилган ижодий ишлари учун

**2. Фаррух Шарипов,**  
«Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Навоий вилояти бўлими бош дизайнери — Мустақам оила йилига бағишланган ижодий ишлари учун

### 5. КИНО САҢЪАТИ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА

**1-ўрин:**  
**Шавкат Маҳбубов,**  
кинорежиссёр — «Ватанга хизмат — муқаддас бурч» ҳамда «Маҳалла — халқ виждони» ҳужжатли фильмларидаги режиссёрлик иши учун

**2-ўрин:**  
**Эргашбой Нормуратов,**  
ЎзМТРК «Ўзбектеlevision» студияси кинорежиссёр ассистенти — «Истеъдод гунаҳлари» ҳужжатли фильмдаги режиссёрлик иши учун

**3-ўрин:**  
**Райхон Уласенова,**  
Кино ва театр актрисаси — «Алданган аёл» бадийи фильмда ижро этган роли учун

### РАФБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ

**1. Баурдин Боймурзаев,**  
«Қорақалпоқфильм» киностудияси режиссёри — «Қайсар» ва «Эшжон баҳши» бадийи фильмдаги режиссёрлик иши учун

**2. Мироллим Қиличев,**  
Киноактёр — «Жасур» бадийи фильмда ижро этган бош роли учун

# “Адолат”га хайрихоҳман

## Мулоҳаза

Ахборот асри деб аталмиш бугунги кунда дунёда, турли минтақаларда, шунингдек, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлардан беҳабар яшаш мумкин эмас. Шу боис, узок йиллардан бери газета-журналларда эълон қилинаётган мақолаларни қизиқиш билан ўқиб келаман. Бунга шу қадар ўрганиб кетганманки, ўзимга маъқул нашрларнинг бирорта сонини ўқимасам, худди бир нарсасини йўқотган одамдай бўлиб қолам. Энг яхши мақолаларни, қизиқарли фактларни, эътиборга молик иқтибосларни тўплаб, даврадошларимга ўқиб бераман, уларни газета мутолаа қилишга даъват этаман.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда кўплаб янги нашрлар пайдо бўлди. “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур”, “Жаннатмакон” каби журналлар, “Хуррият”, “Моҳият”, “Оила ва жамият”, “Инсон ва қонун” газеталари, вилотларимизда пайдо бўлган қатор янги нашрлар кўпчилигининг доимий ҳамроҳи, маънавий кўмакдошига айланди қолди.

нашри бўлмиш “Адолат” газетасига хайрихоҳман ва бунга яширмайман.

“XXI аср” ўз муассиси бўлмиш либерал-демократик партия низомидан келиб чиққан ҳолда, асосан тadbirkor ва ишбилармонлар, аниқроқ айтганда, мулкдор, сармоядорлар манфаатларини ҳимоя қилади. Бунинг ёмон жойи йўқ, албатта. Лекин мулкдорларнинг маънавияти, адолатли,

Газета муассиси бўлмиш Ўзбекистон халқ-демократик партияси аҳолининг нисбатан кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилади ва бунга кўп бор эътироф этади. Яхши ният. Моддий кўмакка муҳтож қатлами кўлаб-қувватлаш зарур, бироқ инсон психологияси шундайки, ёрдам олувчи ёрдамга ўрганиб ҳам қолади. Бугун мамлакатимизда тadbirkorлик ва ишбилармонликка шу қадар кенг имкониятлар яратилдики, ҳаракат қилган одамнинг кўли асло қуруқ қолмайди. Демократик, кам таъминланганларга балиқ совға қилиш билан бирга, уларни балиқ тутишга ҳам ўргатиш керак.

“Адолат” социал-демократик партияси ҳаракат дастурининг менга маъқуллиги шундаки, у, энг аввало, адолатлилик гоёсини, барча-барчанинг — мулкдорнинг ҳам, мулксизнинг ҳам қонун олдида тенглигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Инсон манфаатларини олий қадрият деб ҳисоблайди. Жамиятда ижтимоий адолат принципларининг қарор топиши учун курашади. Бу — жуда муҳим кураш. Ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада, қабул қилинаётган ҳар бир қарорда, энг аввало, адолат, ҳолислик бўлиши зарур. Давлатимиз раҳбарининг асарлари ва қатор маърузаларида айни шу фикр — жамиятда қонун устуворлигига эришиш фойда муҳим вазифа сифатида кун тартибига кўйилади.

“Адолат” газетаси саҳифаларида ушбу партиядан сайланган депутатларнинг парламентдаги фаолияти, хусусан, адолатчиларнинг мамлакатимизда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қўллаб-қувватлаш, янада чуқурлаштириш, давлатимиз раҳбари Концепциясида баён қилинган вазифаларни бажариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судда самарали ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тақдир ва мулоҳазалари, бу борада партиядан кўйилган ташкилотларда олиб борилаётган ишлар, фаолларнинг фикр-мулоҳазалари етарли даражада ёритиб келинмоқда.

Албатта, газета фаолиятини камчиликлардан холи деб бўлмайди. Таҳририят “Адолат” социал-демократик партиясининг бош мақсадини, унинг ҳаракат дастурида баён қилинган мақсад-муддаоларни

**“Адолат” социал-демократик партияси ҳаракат дастурининг менга маъқуллиги шундаки, у, энг аввало, адолатлилик гоёсини, барча-барчанинг — мулкдорнинг ҳам, мулксизнинг ҳам қонун олдида тенглигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Инсон манфаатларини олий қадрият деб ҳисоблайди. Жамиятда ижтимоий адолат принципларининг қарор топиши учун курашади.**

лар, одоб-ахлоқи айниганлар, ён-атрофдагиларни, маҳаллани менсимай қўйганлар, пулим бор — нима гапим бор, дея дўпписини осмонга отиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Кейинги пайтда тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик тўғрисида кўп ёзилмоқда, аммо тўйларни ортиқча дабдаба билан ўтказётганларнинг қимлиги аниқ-ку? “XXI аср”да ўқишли мақолалар кўп, аммо таҳририят мулкдор маънавияти, сармоядор одоби каби мавзуларни ҳозирча четлаб ўтмоқда. Газетани камситиш фикридан йилроқман, аммо юқоридаги мавзулар газета саҳифаларига дадил олиб чиқилса, “XXI аср”нинг ижтимоий-маънавий салмоғи янада ошган бўлар эди.

“Ўзбекистон овози”да мавзу ва мазмун жиҳатидан пишиқ-пuxта мақолалар эълон қилинади. Янада муҳими, газета мақолаларининг географияси ва жанрлари кенг ва хилма-хил. Бунга ижобий ҳол деб баҳолаш мумкин. Фақат...

газетхонларга, партияга нисбатан хайрихоҳларга, айниқса, ёшларга жонли мисоллар ёрдамида янада кенг, ишонarli ва таъсирчан қилиб тушултириб бериши, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари жойларда қандай ҳимоя қилинаётгани, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида кўпроқ ёзиши керак, деб ўйлайман. Авваллари газеталарда турли мавзуларга бағишланган давра сўхбатларини тез-тез ўқиб турардик. Бундай сўхбатларда бир мўаммо ёки масала юзасидан турли фикрлар билдирилади, таҳлиллар қилинади, ўқувчи уларни бир-бирига солиштириб, ўзига керакли хулосани чиқариб олади. Газетачилик ишининг бу самарали шакли партия нашрларида, жумладан, “Адолат”да ҳам, негиздан кам кўринади. Бу мулоҳазалар таҳририят учун фойдалан холи эмас, деб ўйлайман.

А.ОҒАЛИЕВ

Давоми. Боши 1-бетда

Таълим-тарбиянинг ўзбек модели яратилди.

Таълим-тарбия ишларини юқори даражада олиб бориш борабарда мактабларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, ўқувчиларга кенг ва тенг шaroитлар яратиш, ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш, компьютер техника ва технологияларини киритиш ва Интернетга улашиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури тўғрисида»ги Фармони мактаб таълимини ҳар томонлама ривожлантириш, ўқувчиларга янада қулай шарт-шaroитлар яратиш учун муҳим омил бўлди. Унга кўра, 2004-2009 йилларда 8501 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу жараён давом этди ва биргина 2011 йилнинг ўзида 272 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жорий йилда ҳам бу борада кўзга кўринарли ютуқларга эришилмоқда.

Бугунги кунда 9763 та умумтаълим муассасаларида 5 миллионга яқин ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Яна шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда еттига — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман тилларида таълим бериш учун барча шaroитлар яратилган. Бу эса юртимиздаги турли миллат болаларига ўз она тилларида таълим олиш имконияти яратиб берилганлигидан далolatдир.

Умумтаълим мактабларида ўзбек тили билан бир вақтда хорижий тилларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 6184 та мактабда инглиз тили, 2136 та мактабда немис тили, 1454 та мактабда француз тили, 105 та мактабда бошқа хорижий тиллар ўрганилмоқда.

Маъжбурий умумтаълим жараёнида бошқа халқлар тилларининг ўқитилиши ўқувчи ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама ошириш билан бирга, бош Қомусимизнинг 4-моддасида белгиланганидек, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавалари ҳурмат қилиниши таъминлади, уларнинг ривожланиши учун шaroит яратилади”, деган норма талабларига ҳам тўлиқ жавоб беради.

Мактабларнинг замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ҳамда спорт инвентарлари билан таъминланган



лик даражаси 1990 йилга нисбатан 70 фоиздан ошди. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларининг замонавий компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси 77 фоизни ташкил этмоқда. Яъни бундай таълим масканларининг сони ҳозирда 7 минг 534 тани ташкил этмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистонда МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Мультимедияли умумтаълим дастури билан ривожлантириш маркази ташкил этилди. Бугунги кунда мавжуд 9763 та



# Халқ таълими:

## имконият, изланиш, ислоҳот, натижа

умумтаълим мактабларидан 9403 таси “ZiyoNET” ахборот таълим тармоғига уланганлиги ўқувчиларнинг замонавий билим олишларида муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши кўрсаткичи йил сайин ўсиб бораётганлигини ҳам кузатиш мум-

мақсадида бугунги кунга қадар 183 та спорт комплекслари (128 та қишлоқ ҳудудида), 62 та сузиш хавзалари (20 таси қишлоқ ҳудудида), 1796 та мактаб спорт заллари қурилиши ва 242 та спорт иншоотларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширил-

зилми равишда, алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, бу йил мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфларини тамомлаган 560 345 нафар ўқувчиларнинг барчаси ўз қизиқиши ва қобилиятидан келиб чиқиб, таълимнинг кейинги босқичини тўлиқ қамраб олишга эришилди.

Мактабларда таълим-тарбия ишларини янада ривожлантириш мақсадида оила, маҳалла ва мактаб ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги ҳам ижобий самара бермоқда. Бу ижтимоий ҳамкорлик гўё бир-бирини мустаҳкам боғловчи занжир халқларига ўхшайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу халқа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институтини, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан янада мустаҳкамланди.

Мамакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференцияда халқаро экспертлар томонидан эътироф этилган ҳам истиқлол йилларида тизимда эришилган натижалар нечоғли юксак эканлигидан далolat беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, таълимга оид барча сазй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Бутунжаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етганлиги бунинг ёрқин исботидир. Зотан, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлар сирасига қиради.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган мамлакатимиз таълим тизимининг энг яхши аънаваларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тарафдори. Шунингдек, партия республика иқтисодиётини тараққий эттиришда илгор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниш керак деб ҳисоблайди. Яъни таълим тизимининг барча босқичларида замонавий ахборот технологияларни кенг жорий эттиришни қўллаб-қувватлайди.**

кин. Хусусан, сўнгги беш йил ичида 117 миллион 190 минг 54 нусхада дарслик ва ўқув-методик

ди. Улар зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланди.

1995-2011 йиллар давомида ўқувчи ёшларимиз кимё, биология, физика, математика, информатика ва хорижий тил фанларидан халқаро фан олимпиадаларида жами 244 та медаль, шундан 20 та олтин, 49 та кумуш, 175 та бронза медали кўлга киритишгани ҳам истиқлол йилларида таълимга берилаётган юксак эътибор намунасидир.

Мамакатимизда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган эътибор самараси ўларoқ 2011-2012 ўқув йилида жами 89 нафар истеъдодли ёшларимиз Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Руминия, Россия, Азербайжан каби давлатларга ўтказилган турли хил нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, голибликни кўлга киритдилар. Биргина 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган турли нуфузли халқаро мусиқа танловларида иштирок этган 12 нафар болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари энг олий ўринга сазовор бўлишди.

2012 йилда 4 нафар мактаб битирувчилари “Зулфия” номидаги Давлат муқофотига сазовор бўлгани ҳам тизимда фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийларнинг тинимсиз меҳнати самарасидир.

Ҳар йили умумтаълим мактаблари битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга қамраб олишга ти-

Абдуқамол РАҲМОНОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

## 800 миллион долларни тежовчи тизим

“Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик компанияси қиймати 800 миллион АҚШ долларидан ошувчи электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этмоқда. Бу ҳақда “Ўзбекистонда электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш дастури ва халқаро тажриба” мавзусидаги халқаро семинарда маълум қилинди.

Дастурнинг мақсади мамлакатнинг энергетик балансини бошқаришни яхшилаш ва тижорат йўқотишларини камайтиришдан иборат. Бу ҳисобга олиш ва назорат қилиш ҳамда

қўлланмалар чоп этилди. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминлангани даражаси 55,4 фоизга тенг бўлган бўлса, айни пайтда таълим олиб борилаётган барча тиллар ҳисобида мазкур кўрсаткич 100 фоизга тенглашди. Биринчи синфга қадам қўяётган ўқувчиларга Президент соғаси — янги дарсликлар ва 12 та номдаги ўқув анжумлари бепул тарқатилмоқда.

Мустақиллик йилларида ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шугулланишга жалб этиш, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш

си, Тошкент, Сирдарё, Навоий, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Лойиҳага кўра, эскирган мавжуд ҳисобга олиш тизими 1,2 миллионга замонавий ҳисоблагич ва тегишли коммуникация тизимларига алмаштирилади. Тошкент ва Сирдарё вилоятларида энерготизим маълумотларини бошқариш, миқозлар билан ишлашни бошқариш тизимлари, автоматлаштирилган архив тизимлари ўрнатилди. Тошкент шаҳрида эса энерго-

тизим маълумотларини бошқаришнинг марказлаштирилган тизими ўрнатилди.

Шунингдек, дастур шаффоф ва адолатли нарх сигналларини берган ва электр энергияси истеъмоли ҳақидаги маълумотларни тақдим этган ҳолда, истеъмолчиларнинг электр энергиясидан самаралироқ фойдаланишига ёрдам беради.

Шаҳриёр ЖАМОЛОВ

## Жараён

## Эрк ва озодлик қурбонлари хотираси унутилмайди

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кuni

“Хотира майдони” ҳамда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси га йўли тушган киши бепарво ўтиб кета олмайди. Юртимизда эркинлик шабдалари эса бошлаган йиллари туғилган ёшлар бу ерга озодлик ва эрк қурбонларини эслаш, уларни хотирлаш учун келадилар, кекса авлод вакиллари эса собиқ тузумнинг қонли гирдобидида жон таслим қилган ватандошларимизни ёдга олишади.

Тарихни англаш ва унинг сабоқларидан хулоса чиқариш аҳамият касб этади. Айниқса, янги дунёқарашга эга бўлган баркамол авлод тарбиясида ўтмишда содир этилган воқеа-ходисалар моҳиятини уларга тўғри тушуштириш жуда ҳам зарур. Эндиликда халқимиз тарихида ҳеч қандай “оқ доғ”лар бўлмаслиги, айбисиз қурбон бўлганларнинг номлари ва хотираси тикланиши, тарихий адолат қарор топиши зарур.

Шу маънода кейинги йилларда собиқ тузум даврида амалга оширилган мудҳиш қатагонлар, жумладан, коллективлаштириш, ер-сув ислоҳоти, ўртақол дехқонларнинг мол-мулкни тортиб олиш ва сургун қилиш, бунинг оқибатида қишлоқ хўжалигини, оддий меҳнаткаш одамлар ҳаётини тамомла издан чиқариш каби жинсий хатти-ҳаракатларнинг асл моҳиятини очиб берувчи бир қатор илмий-тадқиқот ишлари, бадий-публи-

цистик асарлар чоп этилаётгани қувонарли ҳолдир. Чунинчи, таникли тарихчи олим Поён Равшановнинг “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририятида чоп этилган уч жилдлик “Қизил салтанат исқанжасида” тадқиқот китоби фикримизга далил бўла олади.

Кунни кеча шу нашриётда фидойи тарихчи олимларимиздан бири, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллигига бағишланган “Ўзбекистонда советларнинг қатагон сиёсати ва унинг оқибатлари” номли янги тўплами босмадан чиқди. Ушбу китоб муаллифнинг аввалги қатор илмий-тарихий тадқиқотлари қатори совет тузуми даврида халқимиз бошига тушган беадоқ азоб-укубатларга доир жуда кўп ноёб, ханузгача кўпчиликка маълум бўлмаган, истиқлолга “мутлақо махфий” ниқоби остида халқдан яшириб келин-

ган маълумотларга бойлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Муаллиф, мана йигирма йилдики, илмий изланиш ва захматли меҳнат ҳисобига мамлакатимизда жадидчилик ҳаракати, собиқ тузумнинг коллективлаштириш, қулоқлаштириш каби қатлиомлари, тинч-тотув умргузаронлик қилаётган дехқон фарзандларини сохта айбловлар билан ҳибсга олиш, ўзга юртларга сургун қилиш, бола-чақасини оч-наҳор қолдиришдек машъум сиёсатини, бу азобларга дучор этилган ватандошларимизнинг фожиали қисматини ўрганиш, бу борадаги ҳужжат ва маълумотларни кидириш, топиш, умумлаштиришга бел боғлаб, кўп хайрли ишларни амалга оширмоқ-

харма-шаҳар, архивма-архив юриб, олимлар, мутахассислар, бу мудҳишликларга бево-сита гувоҳ бўлган кексалар, қабристон назоратчилари билан учрашиб, уларнинг хотираларини тинглаб, қозоғга тушириш, сургун қилинган ватандошларимиз дафн этилган жойларни аниқлаш, марҳумларнинг номларини бирма-бир тиклашдан, қатагонгача қаерда яшаган, нима иш билан шуғулланган, қайси «гуноҳи» учун бундай азобларга дучор бўлганини аниқлашдан чарчамади. Бу ишларнинг натижаси ўларок, беш жилдлик “Қатагон қурбонлари”, “Қишлоқ жожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун” (Ўзбек ва рус тилларида), “Шимолий


**Ўтган асрнинг 30-йиллари мобайнида 1 миллион 600 минг киши ўз ватанларини тарк этишга мажбур бўлган, яна шунча киши олис Сибирга, Узоқ Шарққа, Украина, Кавказ, Волгабўйи ва Қозоғистонга бадарга қилинган. Уларнинг боқувчисиз қолган оилалари тақдири билан ҳеч ким қизиқмаган.**

да. Бунинг учун у Россия Федерацияси, Беларус, Украина, Кавказ, Қозоғистон ва бошқа жойлардаги архив ҳамда музейлар, қатагон қурбонлари хотирасини тиклаш билан шуғулланувчи жамоатчилик ташкилотлари, кўнгилли қидирувчилар, бошқа тегишли ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилиб, у жойларга бир неча марта қидирув экспедициялари уюштирди, олис юртларда қишлоқма-қишлоқ, ша-

Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати”, “Шимолий Қозоғистон сургундаги ватандошлар қисмати”, “Анджон тарихидан лавҳалар” каби кўплаб китоблари юзага келди ва ўз ўқувчиларини топди.

Муаллиф мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиб ишига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Унинг бу мавзудаги дарслик ва кўлланимлари олий ўқув юртлари талабалари учун муҳим манба бўлиб қолди.

Р.Шамсутдиновнинг янги китобида СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йилнинг октябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишларида отувга ва узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган кўплаб ватандошларимиз ҳақида тўлақонли маълумотлар биринчи марта ўз аксини топган. Жумладан, 5 октябрь кунини 36 киши устидан чиқарилган отув ҳукми ижро этилади. Отилганлар орасида Раҳим Иноғомов, Худойберган Девон, Бобожон Отажонов, Аъзам Аюпов, Абдулла Қодирӣ, Миён бузрук Солихов, Қайом Рамазон, Ғози Олим Юнусов, Абдулҳамид Чўлпон, Восит Қориев, Отажон Хошимов, Зиё Саидов каби таниқли маърифатпарварлар бор эди. Улар устидан чиқарилган ҳукми ўқир экансиз, қаттол тузумнинг қонли машинаси олдидан инсон ҳаёти ва тақдири ҳеч нарса эмаслиги яна бир бор аён бўлади. Беихтиёр Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 9 май кунини пойтахтимиздаги Хотира ва Қадрлаш майдонида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбат чоғида айтган қўйидаги сўзларини эслаймиз: “Ҳаммамизга яхши маълумки, собиқ совет мафқураси йиллар давомида бизнинг онгимизга тарихнинг яратувчиси дохийлариди, инсон, халқ эса катта давлат машинасининг кичик бир бўлаги, винтчаси деган нотўғри ғояни сингдириб келган эди. Большевиклар халқимизга нисбатан таъйиқ ва таъқибларни авж олдирган 20-30-йилларда бизнинг ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, буюк шоиримиз



Чўлпон ўзини тўлқинлар гирдобига тушиб қолган сомон парчасига ўхшатгани халқимизнинг ана шундай мафқурага қарши қалб исённинг ифодаси бўлган эди”.

Китобда келтирилган маълумотларга кўра, Октябр тўнтариси оқибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган совет тузуми биринчи кунлардан бошлаб эрли халқлар бошига сон-саноксиз хунрезликларни солган. Халқимиз ўз имкони даражасида бу ёвузликларга қарши курашга отланган, аммо кучлар тенг бўлмаган. Хуллас, ўтган асрнинг 30-йиллари мобайнида 1 миллион 600 минг киши ўз ватанларини тарк этишга мажбур бўлган, яна шунча киши олис Сибирга, Узоқ Шарққа, Украина, Кавказ, Волгабўйи ва Қозоғистонга бадарга қилинган. Уларнинг боқувчисиз қолган оилалари тақдири билан ҳеч ким қизиқмаган.

— Собиқ тузумнинг қатагон сиёсати мустақил тузум, мустақил давлат томонидан халққа нисбатан қўлланиладиган жазо қуроли, зулм ўтказиш, оммадан доимий кўркүв исқанжасида тутиш, унга турли йўллар билан руҳий ва жисмоний таъсир ўтказиш воситаси сифатида ўтган асрнинг ўттиз еттинчи-ўттиз саккизинчи йиллари бениҳоя авж олди ва узоқ йиллар давом этди, — деб таъкидлайди китоб муаллифи. — Бу сиёсат Ўзбекистон халқи бошига мислсиз қул-

фатлар олиб келди. Урушдан кейинги йилларда миллатчилик деган тўқиб чиқарилган сохта айблов асосида миллатимизнинг кўплаб кўзга кўринган вакиллари — адабиёт, санъат, илм-фан намояндалари ҳам ҳибсга олинди.

Қатагон сиёсати ва унинг қурбонларини ўрганиш собиқ тузум шароитида мутлақо мумкин эмас эди. Биз, олимлар, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бундай имкониятга эга бўлдик. 9 май мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилинди. Президентимизнинг 1999 йил 12 майдонги Фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори тадқиқот ишларимизга кенг йўл очиб берди.

Ўқувчи ушбу китобни мутоала қилар экан, машъум 1938 йилнинг октябр ойида асосан отувга ҳукм қилинган, узоқ муддатга бадарга қилинган кўплаб ватандошларимиз ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлади.

Заҳматкаш олим Р.Шамсутдиновга халқимизнинг истиқлолга босиб ўтган оғир ва машаққатли йўлини ўрганиш ва тадқиқ этишдек масъулиятли ишда янги муваффақиятлар тилаб қоламиз.

М. АҲМЕДОВ

## Ўзбек ёшлари яратаётган роботлар


иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса қўшади

Мамлакатимиз ёшларининг жаҳон стандартлари даражасида пухта билим олишлари, иқтидорларини тўла намоеён этишлари, қобилиятларини юзага чиқаришлари йўлида узоқ истиқболни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўзбек ёшлари яратаётган илмий ихтиролар, оламшумул кашфиётларда бўй кўрсатмоқда.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети 2009 йили ўз фаолиятини бошлади. Италиядаги етакчи олий таълим муассасасининг мамлакатимиздаги мазкур филиалида машинасозлик технологиялари, архитектура ва қурилиш, саноатда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, энергетика йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Талабаларга ўзбекистонлик

билими, кўникма ва тажрибасини оширишга хизмат қилаётди. Унинг машинасозлик бўлимида соҳага доир асбоб-ускуналар ва замонавий роботлар ёрдамида металл қуйиш, унга ишлов бериш, конструкция ва деталларнинг мустаҳкам ҳамда чидамлилигини ўлчаш каби қатор амалиётлар бажарилади. Технопаркнинг сейсмология муҳандислиги ва сейсморобдорлиги қурилиш бўлимида эса ноёб сейсмик қурилма ёрдамида турли иншоот ва биноларнинг,



лан кашфиётлар, истиқболли лойиҳалар тайёрлаш ва тақдим этиш орқали, ўз келажакларига ўзлари мустаҳкам пойдевор қўйишларига барча имконият яратилган.

2011 йилнинг 11 ноябрида Тошкентдаги Турин политехника университети ва «General Motors Powertrain Uzbekistan» двигателлар ишлаб чиқарувчи корхонаси билан ҳамкорликда мехатроника ўқув маркази ташкил этилди. Ўзбекистонда ягона мазкур марказда ишлаб чиқариш жараёнида автоматлаштириш тизими жорий этилган саноат корхоналари ишчи-ҳодимларини ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда талаба ёшларни мехатрон роботлашган ва информацион ўлчов тизимларини лойиҳалаштиришга ўқитиш режалаштирилган. Марказ энг замонавий сенсор тизимига асосланган мураккаб юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, мутахассислар ва талабаларнинг фан ва техниканинг устувор йўналишларида қийинчиликсиз йўл топа олишларида кўмақдош бўлади.

Бу ерда изланувчан ёшларга яратилган шароитлар самараси ўларок, марказ мутахассислари ва иқтидорли талабалар томонидан яратилаётган

кашфиётлар, роботларни республкамиз илм-фанидаги чинакам янгилик сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳозирги кунга қадар марказда университет талабалари томонидан 11 та илмий лойиҳа бажарилган бўлиб, улардан 5 тасини республикамиз миқёсида амалга ошириш мумкин.

— Бугун робот нималигини кўпчилигимиз яхши биламиз, — дейди Мехатроника маркази раҳбари Жамшид Каниев. — Амалиётда робот — бу электромеханик машина, у компьютер ва электрон дастурга суянади. Роботлар автоном, ярим автоном ёки дистанцион бошқарувга асосланган бўлади. Ҳозирги кунда роботлар турли соҳаларда инсон меҳнатини энгиллаштиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, дунёнинг ривожланган давлатларида саноат тармоқларини роботлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказимиз мутахассислари томонидан яратилаётган роботлардан иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида фойдаланиш кутилмоқда.

Дарҳақиқат, марказда олиб борилаётган илмий лойиҳалар асосида яратилган роботлар билан танишар экансиз, уларнинг ўзбек талабалари томо-

нардан яратилаётганлигидан фахр ҳиссини туясиз. Хусусан, “СМ-WVCR1 — товуш бошқарувига асосланган мобил робот” лойиҳасини ўзбек илм-фанидаги оламшумул кашфиёт дейиш мумкин.

“СМ-WVCR1” — бу мустақил равишда ҳаракатланадиган, тўсиқлардан ўзини ҳимоя қила оладиган, эшитиш ва кўриш хусусиятига эга мобил роботдир. У электроника, сенсорика каби бир қатор йўналишларни қамраб олган бўлиб, STL, FBD ва LAD тиллари билан дастурланган. Бу уни симсиз, яъни овоз орқали бошқариш имконини беради. Яна бир афзаллиги шундаки, марказдан туриб, унинг қаерда, қандай ҳолатда тургани ҳақида тўлиқ маълумот олиш, ҳатто телефон қўнғирогои орқали бўйруқ бериш мумкин. Чунки роботга ўрнатилган веб-камералар орқали маълумотлар узлуксиз жўнатиб турилади. Шу босиб робот ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жойларда қўлланилиши мумкин. Масалан, йиғиш конвейериди у захирадаги қисмларни йиғиш линиясига олиб келади. Бу оддий мисол, лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. У ишлаб чиқариш ва инсон бажариши мумкин бўлган бошқа операция-

ларни ҳам бажара олади. Роботни қўллаш асосида саноатда, қурилишда, оғир юк билан ишлашда, шунингдек инсон учун хавфли бўлган бошқа оғир ишларда инсон ишини энгиллаштириши ёки уни ишдан озод этиши мумкин. Келажақда ушбу лойиҳа бўйича ишларни янада такомиллаштириш режалаштирилган.

Шунингдек, мехатроника марказида фаолият юритаётган ёш талабалар томонидан «Роботжон» лойиҳаси асосида яратилган ихтиро ҳам Ўзбекистонда яратилган биринчи роботдир. Ўзи юра оладиган ва икки тилда гапира оладиган «Роботжон»ни яратишда талабалар электроника, механика, сенсорика ва дастурлаш каби фан йўналишларида фойдаланганлар.

«Роботжон»нинг ташқи қисми поликарбонат панелларидан ясалган митти робот гид, яъни йўл кўрсатувчи функцияларини бажаришга дастурланган. У марказга келган меҳмонларни қутиб олиш, уларга марказ ҳақида сўзлаб бериш ва экскурсия кўрсатиш функцияларига эга. Ёш ихтирочиларнинг мазкур роботи инглиз ва ўзбек тилларида гапира олади. Айни пайтда ушбу робот дастури ҳам янада такомиллаштирилмоқда.

Тошкентдаги Турин политехника университети талабалари томонидан ихтиро қилинаётган бу каби ишланмалар илмий жамоатчилик томонидан эътирофга сазовор бўлмоқда. Хусусан, жорий йилда ўтказилган V Республика инновацион голялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида университет мутахассислари ўз инновацион лойиҳалари билан фаол иштирок этишди ва кўпчиликнинг қизиқишига сазовор бўлишди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда истиқболли лойиҳаларни илгари сураётган, ин-

новацион ихтиролар қилаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда Миллий инновацион тизимини барпо этиш ва ёш олимларнинг бу борадаги изланишларини қўллаб-қувватлаш ташаббусини илгари сураётган ягона сиёсий куч сифатида майдонга чиққан диққатга сазовордир. Энг муҳими, ўзининг илмий ихтиролари ва инновацион янгиликлари билан мамлакатимиз илм-фани ва иқтисодиётга ҳисса қўшишга интилаётган иқтидорли ёшлар партия эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Жорий йилнинг июнь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан Республика «Камолот» ЕИҲ Марказий Кенгашида «Ёшларнинг инновацион тафаккурини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари» мавзусидаги илмий-амалий семинар ва унинг доирасида ташкил этилган ёш олимларнинг инновацион лойиҳалари кўргазмасида Тошкентдаги Турин политехника университети ёш олимлари ҳам ўз кашфиёт ва ишланмалари билан фаол иштирок этишди ҳамда партиянинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Албатта, илм аҳлига кўрсатилаётган бу каби эътибор уларни янгидан-янги голяларни илгари суришга, ўз кашфиётлари ва илмий ишланмалари орқали республикамиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшишга ундайди.

Илҳе САҲАТОВ,  
«Adolat» муҳбири

мутахассислар билан бирга Турин политехника университетининг юқори малакали профессор-ўқитувчилари сабоқ беради. Таълим даргоҳидаги технопарк талабаларнинг амалий

шунингдек, қурилиш материалларининг сейсмик мустаҳкамлигини ўрганишга оид тадқиқотлар ўтказилади.

Университетда талабаларнинг илмий изланишлари би-

# Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Жамоаси

юртдошларимизни  
**ЎЗБЕКИСТОН**  
**РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ**  
**21 ЙИЛЛИК**

байрами билан қизгин  
муборакбод этади.

Барчага руҳий кўтаринкилик  
ва хуш кайфият тилайди.  
Хар бир хонадон айём  
шодиёналари зиёсидан  
мунаввар бўлсин!



## Кутлов

## «ЖАРҚЎРҒОН НЕФТЬ» ОАЖ ЖАМОАСИ

Барча юрtdoшларимизни  
кутлуғ айём —

### Мустақиллик байрами билан

самимий муборакбод этади.

Истиқлол куёши порлаётган  
юртимиз фуқароларига  
мустаҳкам соғлиқ,  
бахт-саодат тилаймиз.

Истагимиз шуки, Мустақиллик билан  
бирга кучга тўлиб, камол толаётган ёш авлоднинг  
келажаги бундан-да порлоқ бўлсин!



Она Ўзбекистонимиз аҳлини,  
меҳнатсевар фермер ва тадбиркорларни  
Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.

Жонажон Ўзбекистонимизга  
улкан тараққиёт, меҳнатсевар  
халқимизга мустаҳкам  
соғлиқ, бахт ва омад тилайди.



“Ёғ-мой озиқ-овқат саноати”  
корхоналари уюшмаси

## “Наманган тола текстил” МЧЖ жамоаси

Сиз, азиз юрtdoшларимизни барчамиз  
улуғ эи улуғ — эи азиз байрам —

Ватанимиз Мустақиллигининг  
21 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.

Муборак айём ҳар бирингизга  
олам-олам қувонч бағишласин.

Хонадонингиздан файзу барака аримасин.

Хур, келажаги порлоқ,  
эркин ва обод Ватанимиз тоабд  
гуллаб-яшнасин.

Истиқлолимиз боқий бўлсин!



## «Ўзкимёсаноат» ДАК Сурхондарё вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ жамоаси

барча юрtdoшларимизни  
улуғ ва ҳаммамиз учун  
азиз байрам —


Мустақилликнинг  
21 йиллиги билан

самимий муборакбод этади.

Азиз юрtdoшлар!

Барча-барчангизга  
узоқ умр, оилавий  
бахт, бунёдкорлик  
ишларингизда улкан  
муваффақиятлар  
тилаймиз.

Ўзбекистон аталмиш  
заминимиз доимо тинч,  
осмонимиз  
мусаффо бўлсин!



ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ  
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!



**Истиқлолимизнинг 21 йиллиги**  
**муборак бўлсин!**



**Озод ва обод юртда**  
**барчага бахтли ҳаёт тилаймиз!**

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

**"ЁҒ-МОЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ" УЮШМАСИ**  
**"СУРХОНОЗИҚОВҚАТСАНОАТИ" ОАЖ**  
**ЖАМОАСИ**

**Қалби меҳру муҳаббат, эзгулик**  
**ва саховатга тўла бунёдкор халқимизни**  
**Истиқдолнинг**  
**21 йиллик байрами**  
**билан чин қалбдан табриклайди.**

Шу шукӯҳли кунларда юртга тинчлик-осойишталик,  
юртдошларимизга мустаҳкам соғлик,  
оилавий бахт, эркин ва обод Ватанимизнинг  
тараққиёти йўлидаги эзгу ишларига ривож тилайди.

**Айёмингиз**  
**муборак бўлсин!**



**Тошкент вилояти Зангиота туманидаги**  
**«ТЎХТАНИЁЗ-ОТА»**  
**фермер хўжалиги жамоаси**

*барча юртдошларимизни*  
*мамлакатимиз*

**Мустақиллигининг**  
**21 йиллиги**  
*билан муборакбод этади.*

*Юртимиз*  
*тинч, осмонимиз*  
*мусаффо,*  
*ҳаётимиз*  
*фаровон бўлсин!*



**«Аммофос-**  
**Максам» ОАЖ**  
**ЖАМОАСИ**

*барча*  
*юртдошларимизни*  
*ва соҳа ходимларини*  
*мамлакатимиз*

**Мустақиллигининг**  
**21 йиллиги**  
*билан самимий*  
*муборакбод этади.*



**Олов — тилсиз ёв**

**Мавсумга тайёрмисиз?**

Ҳар йили республикаимизда куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш учун барча соҳаларда ташкилий ишлар амалга оширилади. Бу жараён, айниқса, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдида ҳам бир қатор вазифаларни юқлайди. Ёнгин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли хид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, мусаффо ҳаво таркибини булғайди. Бунинг олдини олиш мақсадида Миробод тумани ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўз-ўзини бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр

энергиясидан тўғри, оқилона фойдаланиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенгайтирилган йиғилишлар ўтказилмоқда. Ёнгин ортидан келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, давлат мулкни кўз қорачигидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ёнгин содир бўлганида зудлик билан 101 рақамига, газ мосламаларидан газ хиди сизиб чиқаётгани сезилганда 104 рақамига кўнги-роқ қилишни ҳар бир фуқаро доимо ёдда тутиши лозим.

**Фарҳод САЙҲАМАТОВ,**  
Миробод тумани ИИБ ЁХБ  
инспектори.

**Хавфнинг олдини олиш мумкин**

Ёз фаслининг иссиқ кунлари тугаб юртимизга куз фасли кириб келиши билан дарахлар барглари тўқа бошлайди. Хазон ёниши сабабли барглар ўзига йил бўйи йиққан захарли газларни атроф-муҳитга тарқатади. Ёнаётган хазон барглари ўз вақтида бартараф этилмаса, яқин-атрофдаги фуқаролар яшаш уйларига ўтиб кетиши мумкинлиги биз ёнгин хавфсизлиги ходимларини доимо хавотирга солиб келмоқда. Бундай ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда, корхоналар, ташкилотлар, мактаб ва боғчаларда ёнгин хавфсизлиги ходимлари учрашувлар ўтказмоқда. Жамиятимизда яшовчи ҳар бир фуқаро ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этган ҳолда тураржойлар атрофини вақтида хазон барглари ва шох-шаббалардан тозаласалар, ўз соғлиги ва тинчлигини ўзлари асраган бўладилар.

**Д. ЮНУСОВ,**  
Ёнгин хавфсизлиги бўлими 12-ҲЕХО 26-ҲЕХК  
кичик инспектори, сержант

## Ислоҳот

# Тошкент вилояти: яратувчанлик иштиёқи — кенг кўламли натижалар омили

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби, Тошкент вилояти ҳам сўнгги йилларда гўзал қиёфага кирди. Равон йўллар, маҳобатли бинолар ва қишлоқ жойларда намунавий лойиҳада бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар қадимий бу гўшага навқиронлик бахш этмоқда. Бунда вилоятнинг тупроқ билан тиллашадиган деҳқону соҳибкорлари, тадбиркору хунармандлари, бир сўз билан айтганда меҳнаткаш халқнинг бекиёс хизмати бор, албатта. Негаки, бу заминнинг деҳқонлари йил бўйи ердан ҳосил олиб, таъбир жоиз бўлса, тупроқдан зар ундиради. Шу боис, пойтахт бозорларидан қишнинг аёзли кунларида ҳам турфа сабзовотлар, мева-чевалар аримайди. Натижа ҳам шунга яраша. Рўзгорлар бут, турмуш фаровон. Қилни қирқ ёрадиган изланувчан тадбиркорлар эса чет элликдан қолишмайдиган турли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, элнинг қорига яраётгани ҳам айна ҳақиқат. Буларнинг барчасини Истиқлол берган имконият, дея фахрланишади улар.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якуналарига кўра, вилоятда ялли худудий маҳсулот таркибидан кичик бизнеснинг улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 фоизга юқори бўлди. Бугунги кунда вилоятда жами 3 минг 386 та санаот маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналар фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 3 минг 290 таси тадбиркорлик субъектларидир. Ушбу корхоналарнинг 1 минг 978 таси томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойларида 927 миллиард сўмликдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Агар рақамлар билан тақослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118,8 фоизга ўсганлиги кузатилади. Вилоятда рақобатбардош истеъмол моллари ишлаб чиқариши янада кенгайтириш ва турларини кўпайтириш мақса-

дан ортиқ янги мўқим иш ўринлари яратилди. Янгийўл туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи "Янфудэксспорт" МЧЖ, Оҳангарон туманидаги каркас-панелли коттежлар ишлаб чиқарувчи "Ўзметаллинвест" ХК МЧЖ ва Юқоричирчиқ туманидаги ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи "Зулайхо Ж.А." МЧЖ каби корхоналар ана шулар жумласидандир.

— Шаҳар ва қишлоқларнинг чирой очишида сифатли қурилиш ашёларининг ўрни муҳим, — дейди Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Карим Тилавов. — Маҳаллийлаштириш дастурига асосан вилоятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари учун қурилиш материаллари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Шу сабабдан қурилаётган объектларнинг таннархи пасайишига эришилмоқда. Айна кунда вилоятда 3072 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсат-



да амалга оширилмоқда. Янги мактаблар, шифохоналар ва кўркам аҳоли турар жойлари қад кўтармоқда.

Вилоятда зироатчилик қадимдан ривож топган. Йил давомида тўрт марта ҳосил олишга эришаётган уста деҳқонларнинг омилкорлиги таҳсинга лойиқ. Ғаллачилик ва пахтачиликда ҳам улар юқори натижаларга эришмоқдалар.

Жорий йилда Куйчирчиқ туманидаги "Ақбархон Баҳодирхон" фермер хўжалигида ғалла ҳосилдорлиги 80 центнерга етганиги фикримизга далил бўлади. Вилоят фермерлари пахтачиликда ҳам бой таҳрибага эга. Мазкур йилда 2242 та фермер хўжаликлари томонидан 237000 тонна пахта хомашёси етиштириш учун астойдил меҳнат қилинмоқда. Айна кунларда гўза пайкаларида пахталар қийғос очилмоқда. Ҳадемай дефолиация тадбирлари якунига етиб, пахта далалари оппоқ чаманзорларга айланади. Пахта ортланиш қоронлар эса, пахта тозалаш корхоналари ва қабул масканлари томон йўл олади.

моқда. Ўртачирчиқ туманидаги "ТСи Қорасув пахта" корхонаси раҳбари Озоджон Эргашев бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида шундай дейди:

— Ҳар бир корхона жамоасининг ютуқларга бой бўлишида, аввало, интизом ва одиллик бош мезон бўлмоғи зарур. Корхонамиз ишчи-хизматчиларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш мақсадида паррандачиликка ҳам

да. Дарвоқе, ҳадемай мамлакатимизда хорижий харидорлар учун навбатдаги пахта ярмаркаси бўлиб ўтади. Ўзбек пахтасининг харидорлари ишлаб чиқариш жараёни билан қизиқиши шубҳасиз. Тошкент вилоятидаги пахта тозалаш корхоналари эса меҳмонларни кутиб олиш учун астойдил тайёргарлик кўрмоқда. Негаки, бу тадбир ҳам ўзбек пахтакорининг тўйи-да!



қўл урдик. Ҳозирда 15700 бош товуқлар тўлиқ туҳумга кирди. Беш гектар майдонда боғ яратдик. Қатор ораларида етиштирилаётган полиз ва сабзавот маҳсулотлари корхонамиз ошхонаси учун тайёр масаллик. Маҳсулотларни сифатли сақлаш учун 150 тонна сиймига эга бўлган совутиш хонасини қурганимиз айна кунда бизга асқотмоқда.

Дарҳақиқат, излаган имкон топади. Тизимда бугун ишлаб чиқариш суръатини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Корхоналарда техника ва технологик янгилаш тадбирлари амалга оширилиб, самарадорликка эришилмоқда. Ишчи-хизматчилар ижтимоий ҳимоясига бош омил сифатида қаралаётгани эса, меҳнат унумдорлигининг янада орттишига замин бўлмоқ-

да. Чорвачилик барака манбаи, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, чорваси бор хонадондан сут қатиқ аримайди. Сут маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш эса саломатлик учун қони фойда. Вилоят бўйича 2012 йилнинг январь-июнь ойларида салкам 18 минг тонна сут, уч ярим минг тонна гўшт етиштирилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатини соҳасида 103 фоизни, гўшт етиштиришда эса 109 фоизни ташкил этди.

Соҳада маҳсулдорликка эришишда озуқа таъминотининг ўрни бекиёс. Бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида "Тошкент вилояти Чорва озуқа бош бирлашмаси" директори Дилшод Маннонов шундай дейди:

— Бош вазирамиз чорвачиликни ривожлантиришда кўмак-

дош бўлиш. Шу боис вилоятдаги мавжуд қорамоллар бош сонининг ортиши ва маҳсулдорлигининг кўпайишида муҳим омил бўлган қучли озуқа маҳсулотлари таъминотини яхшилаш учун бор имкониятларни ишга солмоқдамиз. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида туман ва шаҳар бирлашмалари томонидан истеъмолчиларга жами 45795 тонна қучли озуқа маҳсулотлари сотилди ва тушган маблағ эса, 12 миллиард 667 миллион сўмни ташкил этди. Натижа кўнгилдагидек бўлди. Чорва бош сони вилоятда йилдан-йилга ортмоқда. Чорва наслини яхшилаш мақсадида омихта ем бирлашмалари томонидан вилоятда 32 та сунъий уруғлантириш пунктлари ишга туширилиб, уларда 8776 бош сигирлар сунъий уруғлантирилди. Бу, ўз навбатида вилоятда чорва насли янада яхшиланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тадбиркорларнинг олдига даврнинг ўзи долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Буни чуқур англаган тадбиркорлар ўзларининг сифатли маҳсулотлари билан элга манзур бўлишмоқда. Зангиота туманида жойлашган "Тўхтаниёта" фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов ана шундай эл эътирофига сазовор бўлган тадбиркорлардан.

Адлия вазирлиги хўжалик субъектлари томонидан экспорт, импорт ва бартер шартномаларини ваколатли банкларда рўйхатга қўйишда уларнинг вақтинчалик харажатларини оптималлаштиришга қаратилган иккита янги қарорни рўйхатдан ўтказди.

## Шартномалар 8 соат ичида рўйхатдан ўтказилади

2012 йил 31 июлда Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг "Экспорт ва бартер шартномаларининг ваколатли банкларда рўйхатдан ўтказилиши ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қарори рўйхатдан ўтказилди. Қарор 2012 йил 10 августдан қучга кирди.

Мазкур низомнинг 2,4-бандига киритилган ўзгаришга кўра, экспорт ва бартер шартномаларининг ваколатли банкларда рўйхатга олинishi саккиз иш соати давомида амалга оширилади. Бундан олдин ушбу процедура икки иш соати давомида, Деҳқон ва фермер хўжаликлар уюшмаси аъзолари томонидан тузилган бартер шартномалари эса бир иш соати давомида амалга оширилган эди.

Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан Адлия вазирлиги томонидан 1514-2 рақам билан Марказий банк бошқаруви, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасининг "Импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва тўлашни хўжалик субъектларининг ўз валюта маблағлари хисобидан амалга ошириш тартиби ҳақидаги низомга ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қарори рўйхатдан ўтказилди. Қарор 2012 йил 11 августдан қучга кирди.

## Яраштириш комиссиялари — оилалар мустаҳкамлиги гарови

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида турли келишмовчиликлар юзасидан фуқаролар йиғинларига 22 мингдан ортиқ фуқародан ариза тушган. Маҳалла мутасаддилари, яраштириш комиссияси аъзолари билан биргаликда олиб борган чора-тадбирлар натижасида келишмовчилик юз берган деярли барча оилаларда ҳаёт яна изга тушган.

Бу ҳақда Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Миллий матбуот марказида таъин этилган матбуот анжуманида сўз борди.

Айна пайтда мазкур комиссияларнинг иш фаолиятини янада жонлантириш мақсадида мониторинг олиб борилмоқда. Учраётган айрим камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедовнинг сўзларига кўра, бу йил маҳаллалар фаоллари томонидан уч миллионга яқин оиланинг аҳоли ўрганиб чиқилиб, 113 мингдан ортиқ фуқаронинг ишга жойлашишига кўмак берилди. Кўплаб кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу каби хайри ишларда ҳар бир маҳаллада фаолият юритаётган яраштириш комиссиялари аъзолари фаоллик кўрсатди. Учраётган айрим ажримлар муҳокама қилинибгина қолмасдан, томонларни яраштириш, қўниқўшнилар ўртасидаги оқибат ва иноклик ришталарини мустаҳкамлаш, тўй-маросимларни ортиқча дабдасиз ўтказиш каби масъулиятли вазифалар ҳам улар томонидан оқилона ҳал этилмоқда.


Шоира МАҲМУДОВА



дида жорий йилнинг биринчи ярмида 90,7 миллиард сўм ҳамда 18,5 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестициялар ўзлаштирилди. Натижада 190 та ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилиб, 2700

моқда. Улар томонидан ярим йилликда 235 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Шу боис вилоятда қурилиш ва ободонлаштириш тадбирлари ҳар йилгидан ҳам кенг ҳажм-

Тошкент вилоят пахтаसानот худудий акциядорлик бирлашмаси томонидан берилган маълумотга кўра, янги ҳосилни қабул қилиш учун барча корхоналар мавсумга шай ҳолатга келтирилган. Ҳисобли дўст айрилмас, дейди халқимиз. Маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш фермер хўжалигини янада ривожлантиради. Деҳқон орттирса тўй қилиб, элга ош беради. Ўтган йилги ҳосил учун фермер хўжаликларида 146 миллиард 59 миллион сўмлик маҳсулот ҳақи тўлаб берилган. Тизимдаги корхоналар томонидан умумий қиймати 121 миллиард 584 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тизимдаги корхоналарда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида боғлар яратилиб, парранда ва чорвачилик ривожлантирил-



Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ

# Qishloq Qurilish Bank

Барча  
юртдошларимизни,  
ўз акциядорлари  
ва мижозларини  
мамлакатимиз

**Мустақиллигининг  
21 йиллиги байрами билан  
самимий муборакбод этади!**

Она-Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин!

Сизларга мустақкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака,  
тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда омад тилаган ҳолда,  
қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

**Миллий валютада:** "Истиқлол" — мuddати 3 ой  
"Мустақил оила-3" — мuddати 3-9 ой  
"Мураббий" — мuddати 2 ой  
"Мадад" — мuddати 1 йил

**Хорижий валютада:** "Фортуна" — мuddати 3-12 ой

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4057 сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

**Ахборот маркази телефонлари:**  
(+99871) 150-39-93, 150-93-39  
[www.qishloqqurilishbank.uz](http://www.qishloqqurilishbank.uz)

**ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК  
ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!**

Хизматлар лицензияланган

**ПРОТЕКА БАНК**

*Mustaqillikka  
21 yil*

**Мустақиллик байрамингиз  
муборак бўлсин,  
азиз юртдошлар!**

## Тошкентда Вьетнам маданияти кунлари ўтказилади

6-10 сентябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон ва Вьетнам орасидаги дипломатик муносабатларнинг 20 йиллигига бағишланган Вьетнам маданияти кунлари ўтказилади.

Ўзбекистон Давлат консерваториясидаги концертда Вьетнам музыка ва рақс санъати юлдузлари ўз маҳоратини намойиш этишади. Маданият кечалари доирасида 6 сентябрь куни Давлат санъат музейида "Вьетнам — чексиз гўзаллик" мавзусида фотокўргазма очилади.

**Қашқадарё вилоятини  
«Давр темир-бетон сервис» МЧЖ  
жамоаси**

*Ватанимиз ақлини  
Мустақиллигининг  
21 йиллиги байрамини  
билан им дилдан  
қутлайди!*

*Истиқлол қуёшини  
дўғрими ўзра  
абадий нур  
солаверсин!*

## Барака самараси

### Реклама ўрнида

— Аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашдек хайрли ишга бел болаганимизга ва шу йўлда иш бошлаганимизга бу йил роллароса 20 йил бўлади, — дейди Бекободдаги «Алишербек файз савдо» хусусий корхонаси раҳбари Ҳасанбой Назаров. — Дастлаб 5-6 қоп ун билан 2 тагина кичик тандирларда нон ёпилган. Кейинчалик Россия Федерациясининг Саратов шаҳридаги «Восход» фирмасидан «Массон РОТР-99» русумли печ олиб келиниб, бир кеча-кундузда 5 минг донагача нон ва нон маҳсулотлари тайёрланадиган бўлди...

Корхона раҳбари келтирган далиллар ва рақамлар чиндан ҳам бу ерда йил сайин ўсиш, ривожланиш юз берганини исботлаб турибди. Айниқса, мамлакатимизда модернизация жараёнлари авж олиб, барча жабҳаларда иқтисодий юксалиш рўй бера бошлагач, бу ерда ҳам ишлаб чиқаришда юқори самарадорлик куртаклари ниш ура бошлади. Биргина шу йил бошида ўрнатилган 48 минг АҚШ доллари қийматидаги энг замонавий «Супер Массон РОТР-250» печи бир

кеча-кундузлик маҳсулотлар салмоғини 7500 донага оширди. Шаҳардаги харбий қисм билан тузилган шартномага кўра ҳар куни у ерга корхонанинг 2 та махсус автомашинасида сифатли нон турлари етказиб берилмоқда. Шунингдек, яқин атрофдаги 20 та савдо дўконлари ҳам «Алишербайз савдо» хусусий корхонасининг мижозлари ҳисобланади.

— Ҳали мақтовларга арзиғулик ишларимиз йўқ, лекин баҳоли-қудрат сазй-ҳаракат-



лар қилаймиз, — давом этди Ҳасанбой Назаров. — Олинган даромадимиз ҳисобидан корхонамизни кенгайтиришга, модернизациялашга, янги иш ўринлари яратишга, ишчи-хизматчиларимиз маошларини ошириб бориш ва шу йўл билан уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор бераёямиз. Махсус кийим-бошлар, 3 маҳал иссиқ овқат доим муҳайё. Дам олиш хоналари, ювиниш бўлмалари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Корхона раҳбари сўзларини тинглаб туриб кўнгилимиздан «ҳар бир ишнинг баракасини берсин экан» деган фикр ўтди.

Ушбу кичик жамоа кўраётган баракада, бу ердаги ишчанлик, аҳиллик ва жонқурликнинг самарасини илгараддек бўлди. Корхона 2009-2010 йилларда ёшлар спортини ривожлантириш учун 2 миллион сўм маблағ ўтказиб бергани ёки ўтган ҳамда жорий — Мустақкам оила йилида шаҳарнинг 3-массивида 40 хонадонли уйни тўла, сифатли таъмирдан чиқарганлиги кўрилатган барака самараси, албатта.

Ғулом ХИДИРОВ,  
«Adolat» мухбири

**«Adolat»  
ижтимоий  
сиёсий  
газетасига  
реклама ва  
эълонлар  
қабул  
қилинади.  
тел. факс  
233-41-89**

**ADOLAT**  
ижтимоий-сиёсий  
газета

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир хайъати:** Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исmoil САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Муқаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:**  
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54;  
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;  
Қабулхона — 288-42-23, 288-46-64 (факс);  
Котибият — 233-41-89.

**Навбатчи муҳаррир** — Номоз САБДУЛЛАЕВ.  
**Навбатчи** — Илс САХАТОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.  
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР  
КЎРСАТКИЧИ: 200  
ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Т— 800. Ҳажми — 6 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бېчими А-2. Адади — 6462. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.15

adolat\_gazeta@mail.ru 1 2 3 5



**Фарғона нефтни  
қайта ишлаш заводи**

**ЖАМОАСИ**



**юртдошларимизни  
қутлуғ айём —**

**Ўзбекистон**

**Мустақиллигининг**

**21 йиллиги билан**

**чин дилдан муборакбод этади.**

**Осмонимиз ҳамиша  
мусаффо, хонадонларимиз  
тинч ва осойишта бўлсин!**

**Халқимиз тарихидаги энг улғу  
ва энг азиз байрам — мамлакатимиз  
Мустақиллиги тантаналари асрлар  
давомида кўнгилларни нурафшон этсин!**

